

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат” кафедраси**

**“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси  
ҚАРШИЕВА МАФТУНА МУСУРМОН ҚИЗИ**

**АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ФИРИБАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ  
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: А.О.Ҳикматов**

**Илмий маслаҳатчи: Р.С.Алтиев**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## Мундарижа

**Кириш .....4-9**

**1-БОБ. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....10-28**

1.1-§. Компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятларининг тарихи.....10-19

1.2-§. Киберфирибгарлик тушунчаси ҳамда компьютер ёдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятнинг мазмун-моҳияти.....20-28

**2-БОБ. КИБЕРФИРИБГАРЛИК ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....29-58**

2.1-§. Киберфирибгарликни содир этилиш турлари.....29-38

2.2-§. Киберфирибгарлик жиноятларининг криминологик жиҳатлари.....39-58

**3-БОБ. КИБЕРФИРИБГАРГА ОИД ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ .....59-77**

3.1-§. Киберфирибгарликка оид хорижий давлатлар тажрибаси ва таҳлили.....59-68

3.2-§. Киберфирибгарликнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан фарқли томонлари.....68-77

**Хулоса.....78-83**

**Аннотация.** Замонавий технологияларнинг ривожланиши, ижтимоий тармоқлар ва интернетнинг оммалашиши янги турдаги жиноятларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кибержиноятлар орасида кенг тарқалган жиноят турларидан бири компьютер ёрдамида содир этилган фирибгарлик жинояти бўлиб, қуйида ушбу жиноят жоирасига кирувчи баъзи фирибгарлик турларининг қисқача тарихи, мазмун-моҳияти ҳамда миллий жиноят ҳукуқига янги “киберфирибгарлик” тушунчасига назарий таъриф берилган. Ҳозирги кунда оммалашган киберфирибгарлик схемаларини содир этилиш техникалари ва уларининг криминологик жиҳатлари, худди шунингдек бу тоифа жиноятларини олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар баён этилган. Диссертациянинг охириги бобида хорижий давлатлар тажрибаси тахлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун бир неча таклифлар берилган.

**Аннотация.** Развитие современных технологий, популярность социальных сетей и Интернета привели к появлению новых видов преступности. Одним из наиболее распространенных видов киберпреступности является компьютерное мошенничество, в котором представлена краткая история, содержание и теоретическое определение нового понятия «киберпреступность» в отечественном уголовном праве. Описаны способы совершения популярных в настоящее время схем кибермошенничества и их криминологические аспекты, а также действия, которые необходимо предпринять для предупреждения данного вида преступлений. В последней главе диссертации анализируется опыт зарубежных стран и вносятся предложения по совершенствованию национального законодательства.

**Annotation.** The development of modern technologies, the popularity of social networks and the Internet have led to the emergence of new types of crime. One of the most common types of cybercrime is computer fraud, which presents a brief history, content and theoretical definition of the new concept of "cybercrime"

in domestic criminal law. The methods of committing currently popular cyber fraud schemes and their criminological aspects, as well as the actions that need to be taken to prevent this type of crime, are described. In the last chapter of the dissertation, the experience of foreign countries is analyzed and proposals are made to improve national legislation.

## Кириш

### Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.

Мамлакатимизда иқтисодий муносабатлар, рақамли иқтисодиёт ва ахборот-технологиялар ривожланиши натижасида мулкий характердаги битимларни онлайн интернет платформалари орқали расмийлаштириш, онлайн сайтлар ёрдамида турли товарларни харид қилиш, давлат ва нодавлат ташкилотлар хизматларидан онлайн равишда фойдаланиш каби қулайликлар яратилди. Бироқ бу имкониятлар мулкий ҳукуқлар дахлсизлигини тўлиқ таъминланишида баъзи мураккабликлар вужудга келмоқда.

Иқтисодий ва ахборот-технологиялар тизимидағи жадал ўзгаришлар фирибгарлик жиноятини содир этилишини анча осонлаштириб, янги турдаги фирибгарлик схемаларини қўллаган ҳолда катта миқдорда шахслар мол-мулкларини талон-торож қилинишига олиб келмоқда. Жумладан, Австралиянинг Австралия рақобат ва истеъмолчилар комиссияси (ACCC) томонидан бошқариладиган веб-сайт томонидан 2021 йилда қарийиб 324 млн доллар миқдорида зарар етказилганлиги, катта миқдордаги зарар инвестиция киритиш билан боғлиқ фирибгарлик жиноятида содир ээтилиб, энг кенг тарқалган компьютер билан боғлиқ фирибгарлик тури фишинг эканлиги қайд этилган.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда мулк, унга бўлган ҳукуқнинг дахлсиз ҳимоя қилиш мақсадида жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик учун жавобгарлик ва жазо белгилаш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, жиноят қонуни тегишли нормаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мулкка қарши жиноятларни олдини олишнинг самарали йўналиши ва истиқболларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятларига нисбатан Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> <https://www.scamwatch.gov.au/scam-statistics?scamid=all&date=2021>

Республикаси Жиноят кодекснинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноий жавобгарлк белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармонининг “Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги хуқуқларини янада мустаҳкамлаш” хақидаги 89-мақсадига “кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш” тўғрисидаги вазифа белгиланган. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла иили»да амалга оширилиши лозим бўлган Давлат дастурида кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш; кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш; кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш ва бошқа бир неча вазифалар белгиланган. Худди шунингдек, Президент қармонининг 13-мақсадида “Мулкий хукуқларнинг дахлсизлигини ишончли химоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш” билан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият эгалиги белгиланган.

Кибормакондаги кескин таҳдидлар, кибержиноятчиликнинг кескин ошиши, онлайн ҳужумларнинг ортишини олдини олиш мақсаида Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш учун меъёрий – хукуқий базани ишлаб чиқиш зарурати борлиги сабабли «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун ёрдамида республика миқёсида киберхавфсизликни таъминлашга доир ягона давлат сиёсатини амалга ошириш имкониятни беради.

Компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари нафақат шахслар мол-мулки дахлсизлигини бузиш, шу билан бирга, давлат киберхавфсизлигига таҳдид қилиш билан ҳам хавфли жиноят ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар республикамизда Қ.Р. Абдурасулова, Р. Кабулов, Б.Дж. Ахрапов, Р.А. Зуфаров, М.Ҳ. Рустамбаев, П. Бақунов, Ф. Тахиров, А.Г. Закирова, Ш.Ё. Абдуқодиров, Н.С. Салаев, У.М. Мирзаев, Т.Х. Хасанов, Ҳ.Р. Очилов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Фирибгарлик, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари МДХга аъзо давлатлар олимлари: А. Архипов, И.А. Мусъял, В.А. Маслов, А.А. Боровков, С.М. Мкртчян, И.А. Волкова, Н.А. Лопашенко, М.Ф. Мусаелян, Г.К. Смирнов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Компьютер ёдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари россиялик олимлар Л.В. Горшкова, Д.А. Зыков, Л.М. Исаева, Т.П. Кесарева, С.П. Кушниренко, А.Л. Осипенко, А.Е. Шарков и др. Рассмотрением вопросов мошенничества в сетях сотовой связи занимались Н.П. Бирюков, Б.Д. Завидов, Г.В. Семенов, З.А. Ибрагимова, И.В. Лазарева ва бошқалар томонидан керакли тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларининг криминологик жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Шу сабабли ушбу турдаги жиноятни криминологик жиҳатларини ўрганиш бу тоифадаги жиноятларни олдини олиш ва қонунчилик базасини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг мақсади** компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик орқали ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг криминологик жиҳатларини ўрганиш асосида назарий билимларни яратиш ҳамда мазкур жиноятнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

## **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси, жиноят-хукуқий тавсифи ва ривожланиш тарихини таҳлил қилиш; айрим хорижий давлатлар Жиноят кодексларида компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноягининг хукуқий тушунчаларини қиёсий таҳлил қилиш;
- компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш турларини таҳлил қилиш, ўзига хос хусусиятларини белгилаш;
- компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг криминологик тавсиф бериш ва унинг сабабларини аниқлаш;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини олдини олиш ва профилактикасини ташкил қилишнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятига қарши қурашиш ва унинг профилактикасини ташкил қилишни такомиллаштиришга оид тавсиялар бериш.;
- компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жинояти ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларининг қиёсий таҳлил қилиш;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятига оид хорожий тажрибани таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятига оид хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиётига доир ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялардан иборатdir.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб борища умумиллий услуглар: функционал ёндашув, мантикийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-хуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини ифодаловчи янги “киберфирбгарлик” тушунчасига таъриф берилган;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини квалификация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини янги 168<sup>1</sup>-модда “Киберфирибгарлик” билан тўлдиришга оид таклиф берилган;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини олдини олиш учун “Киберхавфсизлик маркази” ДУК таркиби компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жинояти қурбонларини шикоятларини қабул қилувчи, таҳлил қилувчи ва практик ҳаракатларини амалга оширишда огоҳлантиришлар ишлаб чиқиш ва шу каби тадқиқот иларини олиб борадиган маҳсус таркибий бўлим шакллантириб, доимий равиўда ижтимоий сайтларда эълон қилиб боришга оид таклиф берилган;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини содир этувчи жиноятчиларнинг маҳсус билимга эгалиги сабабли оғирроқ жиноий жазо тайинлаш лозимлиги асосланган;
- компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятига оид криминологик жиҳатлар асосланган.

## **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тушунтириш жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назариясининг ривожланишига ҳисса қўшади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган хулосалардан илмий тадқиқот ишларини олиб борища, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс бериш ҳамда методик қўлланма тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятининг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари жиноят қонунининг тегишли нормаларига қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқишга, компьютер ёрдамида ўзгалар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми **70** бетни ташкил этган.

## **1-БОБ. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

### **1.1-§. Компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятларининг тарихи**

XX аср охирларидаги энг муҳим кашфиётлари ҳисобланган компьютер ва Интернетнинг ихтиро қилиниши инсон ҳаётида ижобий ўзгаришларни яратди. Иш юритиш осонлашди, янги хужжатлар, матнларни тез ва сифатли тайёрланмоқда ҳамда таҳлил қилинмоқда. Интернет орқали ахборотлар бир неча сониялар ичida дунёнинг турли миңтақаларига юбориб, тезда ахборотга жавоб олинмоқда. Мураккаб хисоб китобларни тез, аниқ ва сифатли амалга оширилмоқда. Яқин келажакда компьютерсиз хаётимизни тасаввур қила олмаслигимиз мумкин.

Интернет ва компьютер турли соҳаларни ижобий тарафга ўзгартериш билан бир қаторда янги турдаги муаммоларни хусусан жиноятнинг янги тури бўлган компьютер жинояти содир этилиши йўл очиб берди. Ундан ташқари, дунё давлатлари томонидан “рақамли иқтисодиёт”га ўтишга бўлган ҳаракатлар ва унинг жамиятдаги ҳар бир соҳага кенг ва тезлик билан кириб бориши компьютер жиноят турларининг кўпайишига ва кескин жиноятлар сонининг ортиб боришига замин яратиб берди.

Биринчи компьютер жиноятлари АҚШда ўтган асрнинг 70-йиллари охирида содир этилган. Security Pacific National Bankнинг компьютер хавфсизлиги бўйича маслаҳатчиси Стенли Рифкин Лос-Анжелес банки тизимини назорат қилувчи кодни ечиб, компьютерга унинг хисоб рақамига 10 миллион доллар ўтказишни буюрди. Бошқа версияга кўра, биринчи компьютер жинояти АҚШда 1969 йилда Алпхонсе Конфессоре томонидан содир этилган. У электрон компьютер тармоғидаги маълумотларга ноқонуний кириш хуқуқини қўлга киритиб, солиқ жиноятини содир этган,

ундан кўрилган зарар 620 минг АҚШ долларини ташкил этади<sup>2</sup>. Собиқ СССРда компьютердан фойдаланиб содир этилган биринчи жиноят 1979 йилда Вилнюсда рўйхатга олинган - бу ўғирлик жинояти бўлиб, кўрилган зарар 78 584 рублни ташкил этган.<sup>3</sup>

Интернет ёрдамида содир этилган илк жиноят ҳам АҚШ ҳудудида содир этилган. 1988 йилда Корнелл университети талабаси Роберт Моррис компьютерга Интернет орқали ҳужум қилиш учун маҳсус дастурини яратган, кейинчалик бу дастур “курт” деб номланган. Муайян дастурга автоматик равишда бириктирилиб, унинг ишлашини бузадиган компьютер вирусларидан фарқли ўлароқ, у томонидан яратилган “курт” дастур жабрланувчи компьютерга киргандан сўнг, кўпаяди ва барча компьютер тизимларига кириб боради, бу эса асосан “озикланиш” туфайли хотира ресурслари ишдан чиқишига олиб келади. Заарсизлантирилгунга қадар дастур АҚШ ва бошқа мамлакатларда 6200 га яқин компьютерни ишдан чиқарди, натижада 98 миллион доллардан ортиқ зарар кўрилган.<sup>4</sup>

Россия ҳудудида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган биринчи жиноятлар 1991 йилда СССР Внешекономбанкидан 125,5 минг АҚШ доллари ўғирланганида қайд этилган.<sup>5</sup>

1997 йилдан 2005 йилгача компьютер жиноятларининг кескин ўсиши кузатилди. Агар 1997 йилда атиги 33 та шундай жиноят қайд этилган бўлса, 2005 йилда 10 214 тага етди. Компьютер жинояти ўсишнинг энг юқори чўққиси 2009 йилга тўғри келди - бу турдаги 11 636 та жиноят қайд этилган<sup>6</sup>. Компьютер билан боғлиқ жиноятлар дастлаб латент ҳолатда бўлганлиги учун кам аҳамиятли жиноят тури сифатида баҳоланган. Бироқ, интернет ва

---

<sup>2</sup> Медведев С.С. Мошенничество в сфере высоких технологий: дис. ...канд. юрид. наук. Краснодар, 2008. 31 с.

<sup>3</sup> Батурина Ю.М. Проблемы компьютерного права. – М.: Юридическая литература, 1991 г. – с. 272.

<sup>4</sup> Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: Юрлитинформ, 2001. – 496 с.

<sup>5</sup> Сычев Ю.Н. Основы информационной безопасности Учебнопрактическое пособие. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2007. – 300 с.

<sup>6</sup> Официальный сайт МВД России. — URL: <http://www.mvd.ru>

компьютернинг оммалашиши, компьютер жиноятларига қарши курашишувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлардаги бўлинма ходимларининг билим ва кўникмаси йўқлиги ва бошқа омиллар сабабли компьютер жиноятларининг жабрланувчилари ҳамда кўриладиган моддий зарар миқдорининг ортиб боришига олиб келди.

Бугунги кунга келиб компьютер жиноятлари, яъни кибержиноятларнинг бир неча турлари мавжуд. Кибержиноятлар классификация қилишда ягона бир қараш мавжуд эмас. Ҳозирда кибержиноятларнинг молиявий, шахсга қарши ва ижтмоий-сиёсий каби катта гурухларига ажратиб кўрсатилади.

Молиявий кибержиноятлар ичида энг кенг тарқалган жиноят тури компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жинояти ҳисобланади. Бу фирибгарлик турига Нигерия хати, фишинг, фарминг, “ёрдамга чақириқлари”, кредит карта фирибгарлиги ва бошқа турлар мавжуд. Куйида ушбу фирибгарлик турларининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида сўз юритамиз.

Даниэл Жордан Смитнинг қайд этишича, XXI асрнинг бошларида Нигерияда биринчи компьютер ёрдамида содир этилган фирибгарлик схемалари пайдо бўлган: “Йигирма бешта терминалга эга Интернет-кафеда фирибгар электрон почта хабарларини юбориш учун камида тўртта терминал ишлатилган”<sup>7</sup>.

Нигерия хати XVIII асрнинг охирларида испан маҳбуслари томонидан содир этилган фирибгарлик схемасига ўхшайди<sup>8</sup>. Ушбу фирибгарликнинг схемаси қуйидагича: Испания қамоқхонаси маҳбуси ўзини ноҳақ қамоқقا олинган катта бойликка эга бўлган бадавлат шахс эканлигини ёки шундай танишлари, қариндолари борлигини ёхуд ўз шахсини сир тутиши лозимлигини айтиб жабрланувчига хат ёзади. Қамоқхонадан озод этилиши учун маълум миқдорда маблағ кераклигини билдириб, жабрланувчидан ёрдам сўраб

<sup>7</sup> Daniel Jordan Smith “The Pentecostal Prosperity Gospel in Nigeria: Paradoxes of Corruption and Inequality.” Journal of Modern African Studies 59(1):103-122. 2021.

<sup>8</sup> “An old swindle revived; The "Spanish Prisoner" and Buried Treasure Bait Again Being Offered to Unwary Americans”. The New York Times. 20 March 1898. p. 12. Retrieved 2010-07-01.

мурожаат қиласи. Бунинг эвазига озодликка чиққанидан сўнг жабрланувчи қилган харажатлари қайтариб бериш билан бирга қилган яхшилиги учун тақдирлашини ваъда қиласи<sup>9</sup>.

Худди шу фирибгарлик схемасига ўхшаш бўлган “Қуддусдан мактуб” XVIII ёки XIX асрларда пайдо бўлган ва оммалашган. Бу собиқ француз жиноий ва хусусий терговчиси Эжен Франсуа Видокнинг хотираларида тасвиirlанган.<sup>10</sup> Тахминан 1830 йилдаги фирибгарлик схемаси хатида ҳозирги кундаги электрон почта хабарлари ёрдамида содир этиладиган электрон фирибгарликка жуда ўхшаш: "Жаноб, сиз, шубҳасиз, сиздан яхшилик сўрамоқчи бўлган нотаниш одамдан хат олганингиздан ҳайратда қоласиз ..." ва 16 000 франклик олтин ва олмослари иборат собиқ маркизанинг сандиқчаси борлигини хабар қиласи<sup>11</sup>.

Бу турдаги фирибгарлик схемаси 1922 йилда Германияда, 1980 йилларда дунёning турли минтақа давлатларида тез-тез содир этиладиган жиноят турига айланди. Ўзини Нигерия миллий нефт корпорацияси директори деб натиштирган хат муаллифи расмий шаклда хат жўнатиб, у олувчининг банк хисобига 20 миллион доллар ўтказмоқчи эканлигини — бу пуллар давлат бюджетидан ажратилганлигини таъкидлаб ҳеч қачон сарфланмаслигини айтган. Маблағларни Нигериядан ташқарига ўтказиш эвазига олувчига умумий сумманинг 30 фоизини ажратишини билдирган. Жараённи бошлиш учун фирибгар компания бланкасининг бир нечта вараги, банк хисоб рақамлари ва бошқа шахсий маълумотларни тақдим этади.<sup>12</sup><sup>13</sup> Яна бошқа варианларда Нигерия шаҳзодаси ёки қироллик оила аъзолари мамлакатдан ташқарига катта миқдордаги пул ўтказмоқчи бўлган - шунинг учун бу

<sup>9</sup> Mikkelsen, David (February 1, 2010). "Nigerian Scam". Snopes. Retrieved June 22, 2012.

<sup>10</sup> Vidocq, Eugène François (1834). Memoirs of Vidocq: Principal Agent of the French Police until 1827. Baltimore, Maryland: E. L. Carey & A. Hart. p. 58.

<sup>11</sup> Harris, Misty (June 21, 2012). "Nigerian email scams royally obvious for good reason, study says". The Province. Archived from the original on January 4, 2019. Retrieved January 4, 2019 – via Canada.com.

<sup>12</sup> Lohr, Steve (May 21, 1992). "Nigerian Scam' Lures Companies". The New York Times. Retrieved June 22, 2012.

<sup>13</sup> "International Financial Scams". United States Department of State, Bureau of Consular Affairs. Retrieved 2015. p. 01-12.

фирибгарликлар баъзан "Нигерия шаҳзодаси электрон почта хабарлари" деб аталади<sup>1415</sup>.

Юқоридаги Нигерия хатлар олдин почта хизматидан фойдаланган ҳолда жабрланувчига етказилган бўлса, электрон почта кенг оммалашиши натижасида халқаро почта ўрнига Интернет тармоғи орқали фирибгарлик хатлари тарқалмоқда. Интернет фирибгарлик жиноятини амалга оширишни арzon, тез ва осонлик билан жабрланувчиларни топиш имкониятини тақдим этди.

Бу турдаги фирибгарлик схемаси ҳозирги кунда Нигерия хати номи билан машхурдир. Бунга сабаб айнан Нигерия давлатида бу фирибгарлик бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ содир этилган. Нигерия ягона бу турдаги фирибгарлик схемаси тарқалган давлат эмас, 2007 йилда Иқтисодий ва молиявий жиноятлар бўйича комиссия раҳбари электрон почта хабарлари ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик кўпроқ Африка ёки Шарқий Европада кенг тарқалганлиги таъкидлаган<sup>16</sup>.

Нигерия хати фирибгарлигини содир этган фирибгарлар ушбу давлат Жиноят кодексининг 419-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги сабабли бу фирибгарлик “419 фирибгарлик”<sup>17</sup> деб ҳам номланади. Нигерия хати фирибгарлигига ўхшаш бўлган яна бир схема Европа давлатларида “advance-fee fraud” яъни “аванс тўлов фирибгарлиги” деб номланади. Европа Иттифоқи доирасида Нидерландияда ва Испанияда аванс тўлови фирибгарлик ҳолатлари юкори.

Компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлари орасида энг кенг тарқалган тур “фишинг” бўлиб, 1996 йил 2 январдан бошлиб оммавий ахборот воситаларида шу ном билан номланган. Бироқ ушбу фирибгарлик схемаси

<sup>14</sup> “The Nigerian Prince: Old Scam, New Twist”. Better Business Bureau. Retrieved February 26, 2015.

<sup>15</sup> “Get smart on cybersecurity”. Mozilla. Retrieved. 2016-02-09.

<sup>16</sup> Rosenberg, Eric (March 31, 2007). “U.S. Internet fraud at all-time high”. San Francisco Chronicle. Retrieved June 22, 2012.

<sup>17</sup> <https://nycriminallawyer.com/fraud-charge/cross-border-fraud/419>

1987 йилда тұлық таърифланған. Фирибгарлар сохта электрон почта ва веб-сайтлардан тузок сифатида фойдаланиб одамларни мағфий маълумотларни ихтироиј равишида топширишга ундағы одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиб алдашган.

“Фишинг” атамаси одатда ушбу хийла-найрангларни тасвирлаш мақсадида яъни, инглиз тилидан “fishing” сўзидағи биринчи ҳарқ “f” ўрнида “ph” - “phishing” деб рамзий маънода номланған. Бундай номланишининг яна бир сабаби олдин хакерларни “phreaks” деб аталған (“phreaking” телекоммуникация тизимларини тадқиқ қилиш, тажриба қилиш ва ўрганишни англатади). Phreaks ва хакерлар ўзаро яқин маъноларни англаттан<sup>18</sup>.

Оммавий ахборот воситалари томонидан фишинг сифатида ёритилған энг машхур фирибгарлик схемасидан бири Американинг AOL компанияси номи билан боғлиқ бўлиб, “America Online” номининг қисқартма шаклидир. Компания американадаги дастлабки энг йирик Интернет провайдер бўлиш билан бирга онлайн хизматлар ва электрон эълонлар тахтаси сифатида кенг фойдаланилған. Компаниянинг одамлар орасида оммалашуви бир неча хакерларнинг бундай имкониятдан фойдаланишига йўл очиб берди.

Фирибгарлар ўзларини AOL ходимлари сифатида кўрсатишиб, компания дастурлари орқали потенциал қурбон билан боғланиб, унинг паролини билишга ҳаракат қилишди<sup>19</sup>. Жабрланувчини ишонтириш мақсадида “ҳисоб қайдномаси тасдиқлаш”, “тўлов маълумотларининг тасдиқлаш” каби иборалар қўлланилған. Жабрланувчилардан паролни олиб, фирибгарлар жабрланувчининг маълумотларига кириш ҳуқуқига эга бўлишган. Жабрланувчиларнинг аккаунтидан фирибгарлик мақсадларида ва спам юборишида фойдаланилған. Фишинг шу даражага етдики, AOL ўзининг барча

---

<sup>18</sup> Antonio San Martino and Xavier Perramon. Phishing Secrets: History, Effects, and Countermeasures. International Journal of Network Security, Vol.11, No.3, PP.163–171, Nov. 2010

<sup>19</sup> Michael Stutz. AOL: A Cracker's Paradise?

хабарларига қуидаги иборани қўшиб қўйди: “AOLда ҳеч ким сизнинг паролингиз ёки тўлов маълумотларингизни сўрамайди”<sup>20</sup>.

1997 йилдан кейин AOL ўзининг фишинг олдини олиш ва ахборот хавфсизлик сиёсатини кучайтирди ва фирибгар ҳисобларни тезда ўчириш тизимини ишлаб чиқди<sup>21</sup>. AOL серверларида фишинг аста-секин йўқолди<sup>22</sup>.

2001 йилда фирибгарлар онлайн тўлов тизимлари билан шуғулланувчи компанияларга эътибор қаратдилар. 2001 йил июнь ойида E-Gold<sup>23</sup>, 2003 йил охирида iBay ва PayPal каби қонуний сайтларга ўхшаб кўринадиган ўнлаб доменларни рўйхатдан ўтказдилар. Улар PayPal мижозларига сохта электрон почта хабарларини юбориш учун электрон почта қуртлари дастурларини яратишиди. Компания мижозлари сохта сайтларга йўналтирилиб, кредит карта маълумотлари ва бошқа идентификация маълумотларини янгилаш сўралди. 2004 йил бошига келиб, фирибгарлар банк сайtlари ва уларнинг мижозларига нисбатан ҳужумларни ўз ичига олган улкан муваффақиятлар амалга оширидилар<sup>24</sup>. 2004 йилнинг майидан 2005 йилнинг майигача бўлган даврда АҚШда 1,2 миллионга яқин фойдаланувчи фишинг туфайли жами 929 миллион доллар зарар кўрди<sup>25</sup>. Ташкилотлар ҳар йили фишингдан 2 миллиард доллар йўқотадилар.

Фишинг 1995 йилдан бери мавжуд бўлсада, деярли 20 йил давомида ҳам одамлар уларнинг электрон почталарига келаётган хабарлар фирибгарнинг тузоқлари эканлигини тушунмаганлар.

Компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлар ичida энг кўп учрайдиган ва катта миқдордаги моддий зарар келтирадиган тури кредит карталар фирибгарлигидир. Биринчи банк карталари 1967 йилда Лондонда

---

<sup>20</sup> Marc A. Rader1 and Syed M. Rahman. Exploring historical and emerging phishing techniques and mitigating the associated security risks. International Journal of Network Security & Its Applications (IJNSA), Vol.5, No.4, July 2013.

<sup>21</sup> History of AOL Warez.

<sup>22</sup> <https://ru.wikipedia.org>

<sup>23</sup> <https://www.wired.com/2009/06/e-gold>

<sup>24</sup> Vanson Bourne. “The Impact of Spear Phishing.” 2016.

<sup>25</sup> <https://www.phishing.org/history-of-phishing>.

жойдашган “Barclays” деб номланган банк ҳамда 1969 йилда Нью-Йорк штатнинг Лонг-Айленд ҳудудидаги Chemical Bank томонидан чиқарилган.<sup>26</sup> 1972 йилда Lloyds банки хавфсизлик учун маълумотларни кодловчи магнит тасмаси билан бирга шахсий идентификация рақамига эга бўлган биринчи банк картасини чиқарган.<sup>27</sup> Бугунги кунда банк карталарининг дибет, кредит ва тўлов каби турлари бўлиб, банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларининг бир қанча турлар бугунги кунда мавжуд. Кредит карталар билан боғлиқ дастлаб жиноят икки усулда, яъни кредит карталарни ўғирлаш ва кредит карта квитанциялари қалбакилаштириш орқали содир этилган. Кредит карталари бўйича фирибгарлик қуидаги йўллар билан амалга оширилади:

- Рухсатсиз ҳисоб қайдномасидан фойдаланган ҳолда жиноий алдаш (қасдан чалғитиши) ҳаракати ёки шахсий маълумотларни алдов йишли билан ыцлга киритиши;
- Шахсий манфаат учун аккаунтдан ноқонуний ёки рухсатсиз фойдаланиши;
- Товар ва хизматларни олиш учун ҳисоб маълумотларини нотўғри кўрсатиш.<sup>28</sup>

1980 йилда фақат Visa ва MasterCard банк карталари бўйича 110 млн долларга миқдорида молиявий йўқотиши содир бўлган бўлса, 1995 йилда эса бу кўрсаткич 1,63 млрд долларга етган. Ушбу йўқотишиларнинг асосий қисми АҚШга тўғри келди (1995 йилда тахминан 875 млн доллар). Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки ўта даврда бутун дунё бўйлаб муомалада бўлган кредит карталарининг 71 фоизи АҚШ мамлакатда чиқарилган. 1994 йилда АҚШнинг 193 млн аҳолиси тахминан 124 млн одамда

---

<sup>26</sup> Wonglimpiyara, Jarunee (1 March 2005). Strategies of Competition in the Bank Card Business. Sussex Academic Press. p. 1-3. ISBN 978-1903900550.

<sup>27</sup> Wonglimpiyara, Jarunee (1 March 2005). Strategies of Competition in the Bank Card Business. Sussex Academic Press. p. 5. ISBN 978-1903900550.

<sup>28</sup> Tej Paul Bhatla, Vikram Prabhu & Amit Dua. Understanding Credit Card Frauds. Cards Business Review#2003–01. June 2003. p. 1.

камида битта кредит картага эга бўлган.<sup>29</sup> Банк карталари (Visa ва MasterCard) бўйича, 1996 йилда Америка Банкирлар Ассоциацияси томонидан ўтказилган тадқиқот 1995 йил учун фирибгарликдан жами йўқотишларни 451 млрд долларга тенг харидларга нисбатан 812 млн долларга баҳоланди, бу эса 0,18 фоиз йўқотиш даражасини билдиради.<sup>30</sup> 1997 йилда Visa, AmericaExpress ва Discover учун кредит карта йўқотишлари тахминан 2 млрд долларни ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу миқдор 440 миллионни ташкил қилган.<sup>31</sup>

Ҳозирда кредит карталаридағи фирибгарликнинг турли хил турлари мавжуд бўлиб, улар сохта карталар билан фирибгарликдан тортиб, йўқолган ва ўғирланган карталаргача: қалбаки карталар фирибгарлиги клонланган карталар, магнит чизиқдаги маълумотларни ўзгартириш ва тафсилотларни қайта бўрттириш каби бир қатор технологик фирибгарлик турларини ўз ичига олади.<sup>32</sup> Кредит карталаридағи фирибгарлик вакуумда мавжуд эмас. Кўпинча кредит карталаридағи фирибгарлик “ўғирлик, почта ахбортини ўғирлаш ва ўюшган жиноятчилик каби бошқа жиноятлар билан боғлик”<sup>33</sup>.

Кредит карталари биринчи марта пайдо бўлганидан бери кредит карталари бўйича фирибгарлик содир этилиб келинган, бироқ, замонавий технологиялар уни содир этиш усулларини янада оширди. Жиноятчилар карта саноатини технологиядан фойдаланиш орқали фойдаланиш мумкин бўлган даромадли бизнес деб билишади. Муаммони бартараф этиш учун кредит карта компаниялари доимий равишда карталарга нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик хусусиятлари ва чораларини кўрадилар. Бироқ фирибгарлар томонидан ҳар гал янги турдаги фирибгарлик схемаси яратилиб, кўплаб жабрланувчиларнинг мол-мулкини талон-торож қилиш учун уларнинг ишончларни суистеъмол қилишади ёки алдашади.

---

<sup>29</sup> Keith Slotter; Plastic Payment Trends in credit card Fraud FBI Law Enforcement Bulletin Washington Vol.66 Issue 6; Page 1-7; June 1997.

<sup>30</sup> William Roberds; the impact off fraud on new methods of retail payment; Economic Review; Federal Reserve Bank of Atlanta; Atlanta; Vol. 83; Issuel; Page 42-52; First Quarter 1998.

<sup>31</sup> Peter Hadfield; Stripe makes credit card fraud tougher; USA Today; Arlington; July 14, 1998.

<sup>32</sup> Van der Bijl, The cloning of credit cards, 30-31.

<sup>33</sup> Burt Rapp, Credit card fraud, Port Townsend, Washington: Loompanics Unlimited, 1991, 23

Юқоридаги компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларнинг тарихини таҳлил қилиш орқали компьютер ва Интернетининг ихтиро қилиниши, оммалашиши фирибгарларга янги турдаги фирибгарлик схемалари ёрдамида кўпроқ молиявий манфаат кўриш имконини қўлган киритишганлигини гувоҳи бўлдик.

Таҳлил қилиш давомида ҳозирги кундаги компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарликни икки гурухга бўлиш мақсадга мувофиқ деган хulosага келдик:

1. Тарихи мавжуд бўлган фирибгарлик схемаси технологияларнинг ривожланиши натижаси янги кўринишга эга бўлган. Нигерия хати тарихда испания мактуби сифати мавжуд бўлган бўлиб, Нигерия хати жабрланувчиларга почта ёрдамида етказилган бўлса, эндиликда электрон почта, факслар ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали етказилмоқда.

2. Компьютер ва Интернетнинг ихтиро қилинишдан кейин пайдо бўлган компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлари. Бу турдаги жиноятларга фишинг, фарминг, онлайн аукцион фирибгарлиги каби компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари киради.

## **1.2-§.Киберфиригарлик тушунчаси ҳамда компьютер ёдамида содир этиладиган фиригарлик жиноятнинг мазмун-моҳияти**

Ахборот-технологиялар ривожланган замонавий дунё одамлари кўп вақтларини ахборот технологиялари, компьютерлар, Интернет ва ижтимоий тармоқлар қуршовида ўтказмоқда. Интернетнинг ривожланиши туфайли нафақат керакли маълумотларни олиш, балки реал вақт режимида (онлайн) харидлар, банк ўтказмалари ва тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди. Компьютерлар эса ахборотни яратиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, турли дастурларни яратиш қаби имконияларни тақдим этган бўлса, Интернет эса ушбу маълумотларни дунёнинг исталган ҳудудига жуда қисқа муддатларда тарқатади. Одамлар, хукуматлар ва корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ахборотнинг глобал ҳажми 2025 йилга бориб беш баравардан ошиб, ҳозирги 33,33 зеттабайтдан 175 зеттабайтга етади (1 зеттабайт олиш учун сизга 34,4 миллиард 32 гигабайт диск майдони керак бўлади)<sup>34</sup>. Компьютерлар эса кун сайин янги функциялар ва қўринишларга эга бўлмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг фаол ривожланиши ва улардан инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилиши кибормаконда киберхавфсизлик ва ахборотни ҳимоя қилишнинг янги масалаларини долзарб қилиб қўймоқда. Шундай масалалардан бири кибержиноятчиликни олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Кибержиноятларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, техника ва Интернет ривожланган сари унинг турлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Электрон техника ва замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда жиноятларни содир этиш турлари ва усулларининг хилма-хиллиги компьютер жиноятлари тизимида компьютер ёрдамида содир этиладиган фиригарлик жиноятини мустақил тур сифатида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>34</sup> Эксперт: объем данных в мире к 2025 году вырастет более чем в пять раз. URL: <https://tass.ru/ekonomika/6209822> (дата обращения: 10.01.2021).

Бугунги кунда Ғарбий давлатлар, АҚШ, Европа ва Россияда компьютер ёрдамида содир этилаётган фирибгарлик жиноятлари “компьютер фирибгарлиги”, “Интернет фирибгарлиги”, “компьютер билан боғлиқ фирибгарлик” ва “киберфирибгарлик” деган номлар билан аталмоқда. Олимларнинг фикрича, бу тушунчалар мазмунан бир хил маънога эга.

“Кибержиноятлар тўғрисидаги конвенция”да<sup>35</sup> “компьютер технологияларини қўллаган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик” деб номланиб, “ҳар бир томон, агар бошқа шахсни мулкидан маҳрум қилишни қасддан ва ноқонуний содир этилган бўлса, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун зарур бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради: а) компьютер маълумотларини ҳар қандай киритиш, ўзгартериш, ўчириш ёки блокировка қилиш; б) компьютер тизимининг ишлашига ҳар қандай аралашиш, ғаразли мақсадларда ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний равишда иқтисодий фойда олиш”<sup>36</sup>. Конвенцияда “кибержиноят” атамаси қўлланилсада, “киберфирибгарлик” атамаси ишлатилмайди. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи соҳасида “кибержиноят” тушунчасига қандай таъриф бериш кераклиги тўғрисида ягона таъриф мавжуд эмас.

Россия Федерацияси олимлари томонидан ушбу фирибгарлик тури дастлаб “компьютер фирибгарлиги” деб номланган бўлиб, компьютер маълумотлари ёрдамида алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан бирорнинг мулкига тажовуз қилиш хусусиятини баҳолашда Россия Федерацияси жиноят қонунчилигига қўлланиладиган биринчи тушунчалардан биридир<sup>37</sup>.

---

<sup>35</sup> Конвенция о компьютерных преступлениях; принятая в Будапеште 23 ноября 2001 года [электронный ресурс] МВД РБ: офиц. сайт. - URL: <http://mvd.gov.by>. (дата Обращения 21.10.2016 года).

<sup>36</sup> Конвенцию о компьютерных преступлениях Будапешт, 23 ноября 2001 года. (Неофициальный перевод).

<sup>37</sup> Бегишев И. Р. Ответственность за нарушение правил эксплуатации средств хранения, обработки или передачи компьютерной информации и информационно-телекоммуникационных сетей// Вестник УРФО. Безопасность в информационной среде.2012. № 1. С.15-18.

Д.А. Зайковнинг фикрига кўра, “компьютер фирибгарлиги” деганда ўзганинг мулкини ўзлаштириш, ноқонуний фойдаланиш ва эгалик қилиш компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни паймол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш тушунилади<sup>38</sup>. Компьютер фирибгарлиги – банкоматлар, интернет, ўйин автоматлари ва бошқа техник воситаларини манипуляция қилиш ва уяли телефонлардан фойдаланиш орқали пулни ўзлаштириш ёки мулкий зарар етказиш тушунилади<sup>39</sup>. Компьютер фирибгарлиги ва анъанавий фирибгарлик ўртасидаги асосий фарқ фирибгарликнинг мақсадига боғлиқ. Агар хукуқбузар шахсга таъсир ўтказишга ҳаракат қилса, қоидабузарлик одатда фирибгарлик сифатида тан олинади. Жиноятчилар компьютер ёки маълумотларни қайта ишлаш тизимларини нишонга олганда, жиноятлар кўпинча компьютер фирибгарлиги сифатида таснифланади<sup>40</sup>.

Умуман олганда, компьютер фирибгарлиги анъанавий фирибгарлик билан бир хил асосий таърифни ўз ичига олиши керак, шу билан бирга электрон ресурслардан фойдаланишни мослаштирадиган янги квалификация элементини ҳам ўзида ифода этиши лозим<sup>41</sup>. Компьютер фирибгарлиги “чатлар, электрон почта, хабарлар тахтаси ёки веб-сайтлар каби интернетнинг бир ёки бир неча компонентларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик транзакцияларини ёки фирибгарликдан тушган маблагни молия институтларига ёки улар билан боғлиқ бўлган бошқа шахсларга ўтказиш учун ҳар қандай фирибгарлик схемасидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятдир”<sup>42</sup>.

---

<sup>38</sup> Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества. дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2002. – 211 с.

<sup>39</sup> Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компью терного мошенничества: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Владимир, 2002. – С. 45–46.

<sup>40</sup> Establishment of Harmonized Policies for the ICT Market in the ACP Countries Cybercrimes/e-Crimes: Assessment Report.

<sup>41</sup> Computer Crime and Computer Fraud University of Maryland Department of Criminology and Criminal Justice Fall, 2004. p.10.

<sup>42</sup> U.S. Department of Justice. Prosecuting Computer Crimes. <https://www.justice.gov>. (сайтга 2022 йил 1 июнь куни мурожаат қилинган)

АҚШ ва Ғарб давлатларида бу тоифадаги жиноятни “компьютер фирибгарлиги” ёки “Интернет фирибгарлиги” деб аталади. Компьютер фирибгарлиги – бу кибержиноят ва электрон маълумотларни олиш, ўзгартириш, компьютер ёки тизимдан ноқонуний фойдаланиш орқали алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш учун компьютердан фойдаланиш харакатидир<sup>43</sup>. Интернет фирибгарлик – глобал интернет тармоғига уланган компьютер тизимларининг технологик ва коммуникация имкониятларидан шахсни алдаш ёки компьютер тизимини “алдаш” учун фойдаланиш, шунингдек, жиноий фаолиятга худбинлик мотиви билан тавсифланган жиноятлар мажмуудидир<sup>44</sup>.

АҚШ Адлия департаменти маълумотларига кўра, электрон русурслардан фойдаланган ҳолда содир этилаётган фирибгарлик, асосан, янги воситадан фойдаланадиган анъанавий фирибгарлик фаолиятининг давомидир<sup>45</sup>. Суд статистикаси бюроси компьютер фирибгарлигини “... бошқаларни алдаш учун маълумот ёки шахсини қасддан нотўғри тақдим этиш...” деб таърифлайди ва квалификация қилишда “электрон воситалардан фойдаланиш” тушунчасини компьютер фирибгарлигини аниқлаш учун асосий мезон сифатида қўллайди<sup>46</sup>. Шунингдек, Адлия департаменти “Интернет фирибгарлиги”ни Интернетнинг ҳар қандай компонентидан фойдаланган ҳолда фирибгарликни содир этиш деб таърифлайди<sup>47</sup>.

Ушбу таърифлардан кўринадики, компьютер фирибгарлиги бу компьютер, Интернет ёки бошқа электрон ресурсдан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан жабрланувчига моддий зарап етказишидир.

<sup>43</sup> Lehman, Jeffrey; Phelps, Shirelle (2005). West's Encyclopedia of American Law, Vol. 3 (2 ed.). Detroit: Thomson/Gale. p. 137.

<sup>44</sup> Криминалистика : курс лекций для бакалавров / под ред. М.К. Каминского, А.М. Каминского. — Ижевск : Jusest, 2012. — 358 с.

<sup>45</sup> The National White Collar Crime Center (NW3C) of USA. <https://www.nw3c.org>. (сайтга 2022 йил 1 июнь куни мурожаат қилинган)

<sup>46</sup> Cybercrime against Businesses, 2005 Paperback – September 24, 2012 by Ramona R. Rantala (Author), Office of Justice Programs: Bureau of Ju.

<sup>47</sup> U.S. Department of Justice. Prosecuting Computer Crimes. <https://www.justice.gov>. (сайтга 2022 йил 1 июнь куни мурожаат қилинган)

АҚШнинг Мэн штати полицияси компьютер жиноятлар бўлими (MSPCCU - Maine State Police Computer Crimes Unit) сержанти Том Молекнинг тушунтириш беришича, у ишлайдиган бўлим компьютер ва Интернетдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган йирик фирибгарлик схемаларини текшириб чиқиб, кенг мослашувчан таърифлардан фойдаланиш ракамли дунёning ўзгарувчан табиати билан боғлиқлигини таъкидлайди. Компьютер жиноятининг тез-тез ўзгариб турадиган табиати жуда аниқ таърифни аниқлашни қийинлаштиради ва умумий таърифларга бўлган эҳтиёжни осонлаштиради (китоб муаллифларининг шахсий сұхбатидан 18 ноябрь 2004)<sup>48</sup>. Бўлим ходими Питер Фееней “компьютер фирибгарлигини фирибгарлик содир этиш учун компьютердан фойдаланиш” деб таърифлайди.<sup>49</sup>

Дунёning етакчи олимлари, мутахассис, амалиётчилари томонидан компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини яна бошқа турли номлар билан аташни таклиф қиласидилар. Хусусан, М.А. Эфремов маънодош бўлган “кибер фирибгарлик” ва “компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик” тушунчаларини ишлатади.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда қўплаб тадқиқотчилар “компьютер фирибгарлиги” тушунчасини “компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик” тушунчаси билан маънодош сифатида кўриб чиқмоқдалар.<sup>50</sup>

Европа мамлакатлари мутахассисларининг баъзилари компьютер билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларини “электрон молиявий фирибгарлик” деб номлашади. Электрон молиявий фирибгарлик деганда, ноқонуний молиявий

<sup>48</sup> Computer Crime and Computer Fraud University of Maryland Department of Criminology and Criminal Justice Fall, 2004 Report to the Montgomery County Criminal Justice Coordinating Commission By Michael Kunz & Patrick Wilson p.48.

<sup>49</sup> Computer Crime and Computer Fraud University of Maryland Department of Criminology and Criminal Justice Fall, 2004 Report to the Montgomery County Criminal Justice Coordinating Commission By Michael Kunz & Patrick Wilson. p. 49.

<sup>50</sup> Иванченко Р.Б., Малышев А.Н. Проблемы квалификации мошенничества в сфере компьютерной информации // Вестник Воронежского института МВД России. 2014. № 1. С. 194-200.

даромад олиш мақсадида онлайн воситалар (электрон почта, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва х.к.) ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай фирибгарлик тушунилади.<sup>51</sup>

Покистон ва Маврикия каби давлатларда компьютер билан боғлиқ ушбу жиноятларни “электрон фирибгарлик” деб аташади. Покистоннинг “Электрон жиноятларнинг олдини олиш түғрисида”ги Қонуннинг 14-бандига кўра, электрон фирибгарлик – ноқонуний фойда олиш ниятида ҳар қандай ахборот тизими, тармоғи ёки қурилмасига нотўғри ахборот киритса, ундан фойдаланса ёки ҳар қандай шахсни ноқонуний фаолиятга ундаса ёхуд ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ушбу шахсга ёки ҳар қандай шахсга зарар етказса, икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўн миллион рупиядан ортиқ бўлмаган жарима ёки ҳар иккаласи билан жазоланади”<sup>52</sup>.

Маврикиянинг 2003 йилда қабул қилган “Компьютердан нотўғри фойдаланиш ва кибержиноят”нинг 10-бандига кўра, “Электрон фирибгарлик: Фирибгарлик йўли билан бошқа шахснинг мулкини йўқотишга сабаб бўлган ҳар қандай шахс: (а) маълумотларни ҳар қандай киритиш, ўзгаришиш, ўчириш ёки бостириш; (б) компьютер тизимининг ишлашига ўзига ёки бошқа шахсга фойда келтириш мақсадидаги ҳар қандай аралашиш жиноят содир этса - 200 000 рупийдан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ва 20 йилдан ортиқ бўлмаган муддат сервитут (жазонинг ушбу турида айбланувчига нисбатан қамоқ жазоси тайинланиб, қамоқда уни мажбурий оғир меҳнатга жалб қилиш)<sup>53</sup> жазосига сабаб бўлади.<sup>54</sup>”

---

<sup>51</sup> European Union Agency for Network and Information Security <https://www.enisa.europa.eu>

<sup>52</sup> <http://nasirlawsite.com/laws/peca1.htm>

<sup>53</sup> Collins online dictionary. <https://www.collinsdictionary.com> (сайтга 2022 йил 18 июнь куни мурлжаат қилинган)

<sup>54</sup> The computer misuse and cybercrime act 2003, Republic of Mauritius <https://www.imolin.org>.

Россия изланувчилар Л.С.Хафизова<sup>55</sup>, Т. Н.Бородкина<sup>56</sup>, И.А. Михайленко<sup>57</sup> ва бошқалар томонида “киберфирибгар” тушунчаси бугунги кунда жуда кенг қўлланилади. Киберфирибгарлик – бу кибержиноятнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади жабрланувчиларни алдашdir. Махфий маълумотларни ўғирлаш хакернинг моддий фойда олиш учун фойдаланувчининг шахсий маълумотларига ноқонуний киришига ва ҳар қандай тарзда фойдаланишига олиб келиши мумкин. Киберфирибгарликнинг бир неча турлари мавжуд: нигериялик хатлар, фишинг, вишинг ва фарминг<sup>58</sup>.

Мамлакатимиз олимлари А.Б.Сабырбаева ўзининг мақоласи “киберфирибгарлик” тушунчасини қўллайди<sup>59</sup> ҳамда номзодлик диссертациясида “киберфирибгарлик” тушунчасига ўзининг муаллифлик таърифини беради. Унга кўра, “киберфирибгарлик”ка – мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни алдаш ва/ёки ишончни суистеъмол қилиш, шунингдек компьютернинг нормал ишлашига, глобал тармоқлар, ахборот ва телекоммуникация тармоқ тизимлари орқали дастурий таъминотларга халақит қилиш ёки ўзгартириш киритиш, шунингдек заарли дастурлардан фойдаланишdir<sup>60</sup>. Худди шунингдек, А.У.Анорбоев ўз монографиясида “киберфирибгар” тушунчасига: кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш<sup>61</sup> деб таъриф беради. А.Б.Улуғбеков<sup>62</sup>

<sup>55</sup> Хафизова Л С Киберпреступления и кибермошенничество как современные формы преступности в условиях глобализации // Социально-правовые проблемы борьбы с преступностью в современной России. Материалы итоговой научно-практической конференции КЮИ МВД России - Казань КЮИ МВД России, 2006 - С 66-68

<sup>56</sup> Бородкина Т. Н. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия // Социально-политические науки. №1.2018. С 135-137.

<sup>57</sup> И.А. Михайленко. К вопросу о способах мошенничества в сети интернет. // Вестник Томского государственного университета. 2010. № 337. С. 98-104.

<sup>58</sup> <http://school2.68edu.ru>.

<sup>59</sup> Сабырбаева А.Б. Пути укрепления международного сотрудничества в борьбе с кибермошенничеством // Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и расследовании трансграничных киберпреступлений. Пособие по результатам регионального семинара для практиков уголовного правосудия центральной Азии. Ташкент. 2020.

<sup>60</sup> Сабырбаева А.Б. Фирибгарлик жиноятини тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати – Тошкент, 2021. – 14 бет.

<sup>61</sup> Анорбоев А.У. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари. Монография. Т.: 2020. 55 бет.

<sup>62</sup> Улуғбеков А.Б. Интернет фирибгарлигига оид жиноятлар ва уларга қарши курашиш // Academic research in educational sciences Volume 2. ISSUE 7. 2021

ҳам ўз мақоласида “киберфирибгарлик” тушунчасини қўллаган, лекин унга ўз таърифини бермаган.

Бизнинг фикримизча компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятини “киберфирибгарлик” деб аталиши мақсадга мувофиқ.

Компьютер - бу ўз хотирасида сақланадиган кўрсатмалар назорати остида ишлайдиган, маълумотларни қабул қилиш (кириш), маълумотларни белгиланган қоидаларга мувофиқ қайта ишлаш, маълумот ишлаб чиқариш (чиқариш) ва келажакда фойдаланиш учун сақлаши мумкин бўлган электрон курилма.<sup>63</sup> Компьютер – бу фойдаланувчи киритган маълумотларни қабул қиласидиган ва уни одатда маълумот деб аталадиган керакли натижани ишлаб чиқариш учун дастурлар деб аталадиган кўрсатмалар тўплами таъсирида қайта ишлайдиган электрон курилма.<sup>64</sup>

Интернет – ахборот-коммуникация тармоғи ҳамда ахборотни сақлаш ва узатиш учун ўзаро боғланган компьютер тармоқларининг глобал тизими.<sup>65</sup>

Компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятни содир этиш учун Интернет ва компьютер бир хил фойдаланилади. Ахборот яратиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаб чиқариш каби ҳаракатлар компьютер ёрдамида амалга оширилса, интернет қурбонларини топиш ҳамда ахборотни уларга етказишга вазифасини бажаради. Шу сабабли компьютер ёдамида содир этиладиган фирибгарлик жиноятларини “**киберфирибгарлик**” деб номлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Cyber” сўзи ахборот технологиялари, интернет тармоғи ва виртуал реалликни ўзида акс эттирган мураккаб тушунча сифатида таърифланади<sup>66</sup>. Бошқа манбаларда “cyber” сўзига “компьютердан фойдаланиш ёки компьютерга, энг муҳими интернет тармоғига алоқадор” тушунча сифатида

<sup>63</sup> Vermaat, Misty E. Microsoft Office 2013 Introductory. Cengage Learning, p.173. 2014

<sup>64</sup> Fred I. Mugivane. Introduction to computer. University of Nairobi college of agriculture and veterinary sciences. p.2.

<sup>65</sup> The Future of the Wireless Art" by Walter W. Massie & Charles R. Underhill.

<sup>66</sup> Oxford English Dictionary. // www.askoxford.com (мурожаат қилинган сана: 2022 йил 10 июнь).

таърифланади<sup>67</sup>. Бу тушунчаларидан келиб чиқиб қуйида “киберфирибгарлик” тушунчасига ўз таърифимизни таклиф этмоқчимиз.

Киберфирибгарлик - ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида ЭҲМ, унинг тизими ёки тармоғига янги ахборотни киритиш, мавжуд ахборотни ўзгариши ёки ўчириш, ахборотларнинг киришини чеклаш ёки компьютер тизимининг ишлашига ҳар қандай араласиши, турли дастурлар, вируслар ёки соxта сайтларни қўллаб шахсларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йзли билан уларга турли мулкий зарар етказиши.

Ҳозирги пайтда киберфирибгарлик тушунчасининг ягона назарий ва хуқуқий таъриф мавжуд эмаслиги, бу тоифалар жиноятларни тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва унга қарши курашишда қандай хуқуқий ҳаракатлар ёки чораларни амалга ошириш лозимлигини тўлиқ тушунишга тўсқинлик қиласи. Бундан ташқари, ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги турли хуқуқни муҳофаза қилиш органларига уларнинг жиноят процессидаги роли ва тергов қилиш жараёнида зарур бўладиган ресурсларни тушунишга ҳалақит беради.

---

<sup>67</sup> Cambridge Advanced Learner’s Dictionary/ // www.dictionary.cambridge.org (мурожаат қилинган сана: 2022 йил 10 июнь)

## 2-БОБ. КИБЕРФИРИГАРЛИК ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

### **2.1-§. Нигерия хати, фишинг фарминг ва бошқа киберфиригарликни содир этилиш схемалари**

Ахборот технологиялар ривожланган даврда киберфиригарлик жинояти энг кенг тарқалган жиноятлардан бири ҳисобланади. Интернет ва компьютер технологиялари фиригарга унинг шахсини яшириш ва дастурий таъминотнинг барча имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Бу қулайликлар фиригарларга бир неча ҳаракатлардан катта моддий фойда олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда киберфиригарликнинг кўплаб турлари мавжуд. Нигерия хати, фарминг, вишинг, онлайн аукцион, фишинг, картинг ва бошқалар. Қуйида ушбу фиригарлик схемаларини тўлиқ таҳлил қилиб чиқамиз.

Нигерия спами (хати) – бу компьютер фиригарлигининг бир тури бўлиб, у қандайдир уйдирма баҳона билан жабрланувчининг банк ҳисобига кириш ёки ундан бошқа йўл билан пул олишга уринишидир<sup>68</sup>.

Нигерия хати фиригарлигида фиригар жабрланувчига хат, факс ёки электрон почта юборади. Ҳозирги кунда Интернет ва технологияларнинг ривожланиши натижасида анъанавий тарзда Нигерия хатларини почта орқали эмас балки факс, электрон почта ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали хат жўнатиш анча осон, қулай ва арzonдир.

Нигерия хати киберфиригарлигида биринчи босқичда интернет орқали ҳамкорлик бўйича турли таклифлар ёзилган юз минглаб электрон хатлар тарқатилади. Албатта, бундай хатларни олганларнинг аксарияти уларни ўчириб ташлайди. Бирок, ҳар доим бир оз пул ишлашга тайёр бўлган ишончсиз фуқароларнинг кичик бир қисми қолади. Айнан шу дақиқада фиригарлар адресатдан нима ва қандай қилиш кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб

---

<sup>68</sup> <https://encyclopedia.kaspersky.ru/knowledge/nigerian-letters> (сайтга 2022 йил 10 июнь куни мурожаат килинган)

хатини олишади<sup>69</sup>. Нигерия хат оловчига турли хил “сценарийлар” келтирилади:

- хат оловчи катта миқдордаги пул ёки олтинни қабул қилиб олишга ёрдам бериши;
- ўғирланган бойликни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга күмаклашиши;
- корпоратив ёки давлат амалдори давлат маблағларини ўғирлаб кетган ва пулни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш кераклиги;
- пул ютиб олинган ёки мерос қилиб қолдирилган, лекин хат жўнатувчига уни мамлакатдан олиб чиқишида ёрдам керак<sup>70</sup>. Худди шунингдек, Белоруссия Республикаси Нигерия Федератив Республикасидаги элчихонасининг расмий сайтида ҳам бир неча “сценарийлар” келтирилади<sup>71</sup>.

Юқоридаги сценарийларни амалга оширишда давлат ҳокимият вакилларига пора бериш, банк операцияларини бажариш, адвокат ёки давлат хизматларидан фойдаланиш ва бир неча бошқа ҳаракатлар учун хат оловчидан маълум миқдорда пул сўралади. Жабрланувчини ишонтириш учун турли қалбаки ҳужжатлар тақдим этилади. Бу нотариал тасдиқланган васиятнома, хат жўнатувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳақидаги маълумот, топиб олинган бойликлар расми ва бошқа ҳужжатлар. Секин асталик билан фирибгар жабрланувчини ишончини қозонади. Кейинчалик эса пул ўтказмаларини амалга ошириш учун жабрланувчининг банк ва молиявий маълумотларни сўрайди ёки ўзиникини тақдим этади.

Нигерия хатиинг бир сценарийсида жабрланувчига ҳатто сохта чек юборилиши ва уни депозитга қўйиб, пулнинг бир қисмини фирибгарга юборишни ва қолганини хат оловчи ўзида қолдирилиши сўралади. Чек қонуний эмаслиги аниқ бўлгунга қадар жўнатилиши керак бўлган пул

<sup>69</sup> <https://nigeria.mfa.gov.by/ru/letters> (сайтга 2022 йил 10 июнь куни мурожаат қилинган)

<sup>70</sup> <https://nyccriminallawyer.com/fraud-charge/cross-border-fraud/419>

<sup>71</sup> <https://nigeria.mfa.gov.by/ru/letters>

үтказилади<sup>72</sup>. Қоидага күра, маълум миқдорни үтказиш керак бўлган ҳисоб Европа банкларида жойлашган, шунинг учун вазият жабрланганлар учун ҳеч қандай ташвиш тугдирмаслиги мумкин. Биринчи пул үтказмасидан кейин ёзишмалар давом этиши мумкин (агар “мижоз” кўпроқ тўлашга тайёр бўлса) ёки у тўсатдан тугаши мумкин. Агар фирибгар бирон бир шубҳали нарсани сезса, пул үтказилган ҳисоб дарҳол ёпилади<sup>73</sup>. Жабрланувчиларга ваъда қилинган мукофот ҳамда у пул үтказмалари учун сарфланган харажат пуллари ҳеч қачон берилмайди.

Фирибгарлар бекарорлик марказларини кузатиб, дунёдаги вазиятга тезда муносабат билдирадилар. Шунинг учун, “Нигерия” хатига ўхшаш бўлган хат дунёнинш бошқа бир бурчагидан юборилиши мумкин – масалан, “Кения” ёки “Филипино”. Ироқдаги уруш пайтида “Ироқ” хатлари кенг тарқалди. Фирибгарлар Ироқдаги ҳарбий вазиятдан фойдаланиб жабрланувчиларни алдаб ёки ишоняини суиистеъмол қилиш орқали улардан маблағ сўрашган. Бундай хат муаллифлари, одатда, Ироқ нуфузли шахсларининг сохта ёки ҳақиқий исмлари билан имзоланган ҳолатлар ҳам учраган. Ироқ амалдорининг хотини ёки беваси номидан хат ёзилиши одатий ҳолга айланган<sup>74</sup>.

Нигерия хати схемасидаги фирибгарлик Африка давлатлари Ангола, Бенин, Габон, Гамбия, Либерия, Сомали, Того, Жанубий Африка ва бошқа ҳудудларда ҳам қўлланилган<sup>75</sup>.

Нигерия хати фирибгарлигига қўйидаги белгиларга эга: хатда катта миқдордаги пуллар ҳақида сўз юритилади; жабрланувчидан шахсий маълумотлар сўралади: тўлиқ исм, манзил, телефон рақам, банк ҳисоб рақами ва ҳ.к.; фирибгар хат юбораётган ва жавоб хати юборилиши лозим бўлган манзилнинг ҳар хил эканлиги; хатларда ёрдам учун пул таклиф этилади; жабрланувчидан махфийликни сақлашни ва хат мазмунини ҳеч кимга ошкор

<sup>72</sup> <https://nycriminallawyer.com/fraud-charge/cross-border-fraud/419>

<sup>73</sup> <https://nigeria.mfa.gov.by/ru/letters>

<sup>74</sup> <https://encyclopedia.kaspersky.ru/knowledge/nigerian-letters>

<sup>75</sup> <https://nigeria.mfa.gov.by/ru/letters>

қилмаслик сўралади; фирибгар ўзини бирор бир нотинч давлатнинг юқори лавозимли шахс ёки амалдор сифатида таништиради<sup>76</sup>.

“Нигерия хатлари” жанрининг нутқини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти манипуляция каби коммуникатив стратегиядан фойдаланишdir.<sup>77</sup> “Манипуляция - бу психологик таъсирнинг бир тури бўлиб, уни моҳирона бажариш бошқа одамнинг ниятларини яширин ҳаяжонланишига олиб келади, бу унинг ҳақиқий истакларига тўғри келмайди”<sup>78</sup>. Дарҳақиқат, фирибгар ўзининг хатида жабрланувчини ўз таъсир доирасига олиш учун унга ўзини ёмон, қийин ҳолатда эканлигини айтиб, ёрдам сўрайди. Унда ачиниш ҳиссини уйғотиши учун турли хил манипуляция усусларидан фойдаланади. Мисол учун, ўзини бева, ёлғиз она, коинотда қолиб кетган космонавт ёки бошқа шахс сифатида таништиради. Жабрланувчиларнинг раҳмдиллик, ачиниш, меҳрибонлик ҳиссиётлари туфайли улар осонлик билан фирибгарлар тузоғига тушиб қоладилар.

Фишинг сўзи инглиз тилидаги “phishing” сўзидан олинган бўлиб, “балиқ овлаш” маъносин англатади. Фирибгарлар ўз жабрланувчиларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилган ҳолда моддий фойда олишни кўзлаб уларга қармоқ ташлайди. Жабрланувчи бу хийла эканлигини англамаган ҳолда қармоқقا илиниб, ўзининг мол-мулкидан маҳрум бўлади. Жабрланувчилар ўз хоҳишлири балан ижтимоий сугурта рақамлари, молиявий ҳисоб рақамлари, ПИН-кодлари ва бошқа шахсий-молиявий маълумотларини фирибгарга тақдим этадилар.

Фишинг фирибгарлик схемаси қўйидагича бўлади: жабрланувчиларнинг электрон почтасига бирор қонуний ташкилотдан лотереядан ютганлиги, давлат ташкилотидан турли хил таклиф ёки

<sup>76</sup> Смит Дэниел Джордан. Повседневный обман и народное недовольство в Нигерии [Электронный ресурс]. НьюДжерси, 2010. URL: <https://scholar.google.com/citations>.

<sup>77</sup> В.В.Радевич. Этапы и виды манипуляции как коммуникативной стратегии в неискреннем дискурсе на материале жанра «нигерийские письма» // Вестник КемГУ. 2012 № 4 (52) т. 4 . С.119.

<sup>78</sup> Т.В. Скребцова, С.В. Гришанова. Финансовые мошенничества в банковской сфере // Финансы, денежное обращение и кредит. 2020. №5. С.49.

огоҳлантириш ёхуд бирор муассасага ишга таклиф ҳақидаги электрон хат келади. Фишигнинг бир усулида электрон хатдаги ҳаволада бирор қонуний ташкилотнинг қалбаки ижтимоий саҳифаси илова қилинади. Хатда ҳаволага кириб, ундаги шахсий, молиявий маълумотлар ҳақидаги бўшлиқлар тўлдирилиши сўралади. Жабрланувчи ўзининг шахсий-молиявий маълумотларини шу саҳифага киритади. Қалбаки саҳифа шунчалар ҳақиқийсига ўхшаш бўлади-ки, жабрланувчи ҳеч иккиланмасдан маълумотларни саҳифага жойлаштиради. Бошқа бир варианда жабрланувчига банкдан телефон қилиб, улардан банк ҳисоб рақамлари, тўлов картанинг логинлари, паролларини сўрашади. Бунга сабаб қилиб, уларнинг банк ҳисоб рамларилари билан шубҳали операциялар амалга оширилаётганлигини ёки бошқа баҳоналарни кўрсатишади<sup>79</sup>. Ушбу ҳолат фишиг бир кўрини бўлиб, вишиг деб номланади<sup>80</sup>.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам фирибгарлар жабрланувчиларни алдаб ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан олган маълумотлар ёрдамида жабрланувчиларнинг ҳисоб рақамларидағи пул маблағларини ўзларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб оладилар. Фишиг фирибгарлигида фирибгарлар СМС ёки овозли хабарлардан ҳам фойдаланишади.

Фишингга ўхшаш бўлган фирибгарлик схемалардан яна бири “фарминг”дир. Фарминг (инг. тилидан *pharming*) фирибгарлик схемасида жабрланувчининг технологик қурилмасига ёки унинг серверига заарли код, дастур ёки вирус Интернет тармоғидан бирон бир нарсани (электрон китоб, видео, мусиқа ва б.) юклаб олишда, онлайн хизматлардан фойдаланилганда юқтирилади. Вируслар, дастурлар жабрланувчи кирмоқчи бўлган сайтдан бошқа сохта сайтга йўналтиради<sup>81</sup>. ўзлари билмаган ҳолда фирибгар веб-сайтларга йўналтиради. Ушбу сохта веб-сайтлар дастлаб қонуний кўринса-да,

<sup>79</sup> Асанова И.П. Актуальные вопросы борьбы с масштабами роста кибермошенничества // Вестник Российской университета кооперации. 2021. № 4(46). С. 120-123.

<sup>80</sup> Вадим Свидерский. Осторожно, вишиг! <https://forexmagnates.com>. Дата обращения: 16 января 2020.

<sup>81</sup> <https://ru.wikipedia.org> (сайтга 2022 йил 18 июнь куни мурожаат қилинган)

аслида улар факат фойдаланувчиларгина билиши лозим бўлган логин, шахсий ва банк маълумотлари эгалик қилиш мақсадида фойдаланилади. Бундан ташқари, ҳақиқий ҳаволалар ва доменларга хакерлар хужум қилиши натижасида ҳам шахсий ва молиявий маълумотлар қўлга киритилади. Фарминг фирибгарлик схемасида ижтимоий тармоқларда доимо онлайн бўладиган фойдаланувчилар учун хавфлироқ бўлиши мумкин, чунки яширин хавфни аниқлаш эҳтимоли камроқ бўлади. Фарминг киберфирибгарлик жиноятида қуидаги методлардан фойдаланилади:

- HOST файлини ўзгартириш;
- HOST<sup>82</sup>лар файлини унинг жойлашувини ўзгартириш;
- DNS<sup>83</sup> сервер созламаларини ўзгартириш;
- Сохта DHCP<sup>84</sup> серверини рўйхатдан ўтказиш<sup>85</sup>.

Онлайн аукционлар ҳозирда энг машҳур электрон тижорат хизматларидан бири ҳисобланади. 2006 йилда дунёдаги энг йирик онлайн аукцион сайти iBay 20 миллиард долларлик маҳсулот сотди. Харидорлар дунёнинг исталган нуқтасидан турли хил уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечаклари, техник қисмлар ва бошқа маҳсулотларни буюртма қилишлари мумкин. Сотувчи сайтлар талаб ва нархларни ошириш орқали глобал аудиториядан фойдаланадилар. Ҳақиқий сотувчилар ва фирибгарларни фарқлашнинг қийинлиги аукциондаги фирибгарликнинг энг машҳур киберфирибгарликлардан бирига айланишига олиб келди. Энг кенг тарқалган

<sup>82</sup> Хост (шунингдек, "тармоқ хости" сифатида ҳам танилган) тармоқдаги бошқа хостлар билан алоқа қиласиган компьютер ёки бошқа қурилма. Тармоқдаги хостлар маълумотлар, хизматлар ёки иловаларни юборадиган ёки қабул қилувчи мижозлар ва серверларни ўз ичига олади. <https://www.techtarget.com/searchnetworking/definition/host>.

<sup>83</sup> Домен номлари тизими (DNS) Интернетнинг телефон китобидир. Одамлар онлайн маълумотларга нитимес.ком ёки еспн.ком каби домен номлари орқали киришади. Веб-браузерлар Интернет протоколи (IP) манзиллари орқали ўзаро таъсир қиласи. DNS домен номларини IP манзилларга таржима қиласи, шунинг учун браузерлар Интернет ресурсларини юклашлари мумкин. <https://www.cloudflare.com/learning/dns/what-is-dns>.

<sup>84</sup> Dynamic Host Configuration Protocol (DHCP) IP тармоқларида қурилмаларни созлаш жараёнини автоматлаштириш учун фойдаланиладиган тармоқ бошқарув протоколи бўлиб, уларга DNS, NTP каби тармоқ хизматларидан ҳамда UDP ёки TCP асосидаги ҳар қандай алоқа протоколларидан фойдаланиш имконини беради. <https://www.efficientip.com/what-is-dhcp-and-why-is-it-important>.

<sup>85</sup> <https://ru.wikipedia.org> (сайтга 2022 йил 18 июнь куни мурожаат қилинган)

усулларга: мавжуд бўлмаган нарсаларни харидорга таклиф қилиш ва харидорлардан етказиб беришдан олдин тўлашни талаб қилиш киради.

Харидорларни алдаш одатда товарнинг нотўғри тавсифи ёки сотувчининг сотиб олинган товарни жўнатмаслигидан иборат<sup>86</sup>. Ундан ташқари, сотувчилар харидорларга товарларни бепул етказиб беришлари, тавсифга мос келмайдиган товарларни етказиб бериш, сохта маҳсулотни қайтариб олиш бош тортиш ва ҳоказо<sup>87</sup>. Баъзи фирибгарлар вижданли сотувчи қиёфасини яратиш учун вақт ўтиши билан сотувчининг рейтингини сунъий равища ошириб кўрсатиши мумкин<sup>88</sup>. Баъзи бир фирибгарлар томонидан қиммат брендларнинг сохта товарларини сотиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Бундай фирибгарликнинг ўсишига кенг тарқалган харидларни компьютерлаштириш, онлайн-дўконлар сонининг кўпайиши, “қулай” шартларнинг ўрнатилиши, шахсий маълумотларнинг мавжудлиги ва технологиялаштириш жараёнларининг тезлашиши сабаб бўлган<sup>89</sup>.

Олдиндан тўланган фирибгарликларда фирибгарлар электрон почта хабарларини жўнатиб, фойдаланувчига катта миқдордаги пулни учинчи шахсларга ўтказища ёрдам беришларини сўрашади. Агар жабрланувчи ўзларининг шахсий ҳисоблари орқали пул ўтказмасини амалга оширишга рози бўлса, уларга фоиз ваъда қиласилар. Сўнгра фирибгарлар ўзларининг банк ҳисобварағи реквизитларини текшириш учун улардан оз миқдорда пул ўтказишларини сўрашади. Улар пул ўтказганларидан сўнг, улар бошқа ҳеч қачон жабрланувчилар билан боғланишмайди. Ушбу турдаги фирибгарлик схемаси Нигерия хати фирибгарлигига қайсиdir жихатлари билан ўхшаш.

<sup>86</sup> <https://www.actionfraud.police.uk/a-z-of-fraud/online-shopping-fraud>

<sup>87</sup> It's seller beware as eBay's buyer guarantee is exploited by scammers. <https://www.theguardian.com/money/2016/apr/25/ebay-seller-beware-buyer-guarantee-exploited-scammers>.

<sup>88</sup> The risk of criminal exploitation of online auctions | Australian Institute of Criminology. <https://www.aic.gov.au/publications/htcb/htcb015>

<sup>89</sup> Т.В. Скребцова, С.В. Гришанова. Финансовые мошенничества в банковской сфере // Финансы, денежное обращение и кредит. 2020. №5. С. 48.

Бироқ бу ерда фирибгар ўзини бирон бир шахс сифатида таншитирмасдан, шунчаки пул ўтказишида ёрдам беришни таклиф қиласы.

Фирибгарлар томонидан қўлланиладиган яна бир восита бу инсонларнинг ҳис-туйғулардир. Ижтимоий тармоқларда бирор нотаниш одамнинг ҳаёти хавф остида эканлиги ҳақидаги “хикоялар”ни тарқатиш орқали одамларда ачириниш, ҳамдардлик ва ёрдам беришга бўлган хоҳиш каби ҳиссиёт уйготади. “Хикоялар”да беморга қимматбаҳо дори-дармонлар, чет элда операция қилиш ва бошқа харажатлар учун пул кераклиги айтилади. Фирибгарлар бефарқ бўлмаган ҳар бир кишидан ёрдам беришни ва кўрсатилган ҳисоб рақамларига пул ўтказиши сўрайди. Бу каби “ёрдам чақириклари” фирибгарлик схемасида табиий офатлар, турли касалликлар, очарчилик каби бошқа сабабларни важ қилиб ҳам одамлардан моддий ёрдам беришларига чорлайди. Жабрланувчилар яхшилик қилиш мақсадида маълум суммаларни “хикоялар”да келтирилган банк ҳисоб рақамларига ўтказиб беришади. Бошқа фирибгарлик схемасидан фарқли равища “ёрдам чақириклари”да жабрланувчилар йўқотаётган пулларини қайтишини умид қилмасаларда, ёрдам бериш мақсадида берилган пуллар ҳеч қачон унга муҳтоҷ бўлган кишиларга етиб бормайди. Аксинча, фирибгарларнинг ҳисоб рақамларига тушади.

Кўйида киберфирибгарлик жиноятнинг бошқа турлари ҳақида қисқача таърифлар келтирилади:

- кардинг – фишинг сайтлар яратиш ва унда арzon нархдаги товларларни жойлаштириш ҳамда ундан харидорлар томонидан ўзининг шахсий маълумотларини (пластик картаси ҳақидаги маълумотларни) киритиш орқали киберфирибгарга пластик карта ҳақида маълумот берувчи, аммо бирон бир олди-сотдини амалга ошириш имконини бермайдиган киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>90</sup>;

---

<sup>90</sup> Кардинг (Carding) // <https://www.anti-malware.ru/threats/carding>.

- скимминг – банкоматларга ўрнатилган махсус скимминг воситалари ёрдамида пластик карталар ҳақидағи маълумотларни билиб олиб, тайёрланган сохта пластик карталар ёрдамида ҳақиқий пластик карталардаги пулларни ўмаришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>91</sup>;
- смишинг – фишингга қараганда хийлакорроқ тусга эга бўлган, банклар, йирик компаниялар, лотареялар ва бошқа таниқли компаниялардан фойдаланувчига СМС-хабарнома шаклидаги фойдаланувчидан махсус хаволаларга кириш орқали, ўзи томонидан ютиб олинган пул маблағларини олиш ёки олиши мумкин бўлган кетма-кетликни амалга оширишга қаратилган фойдаланувчини тузоқقا туширишга ихтисослашган, фойдаланувчини ўйлантириб қўядиган, ташвишга солидиган хабарномалар юбориш ва ундаги хаволаларга киришга оид киберфирибгарликнинг бир туридир<sup>92</sup>.

Юқорида номлари келтирилган киберфирибгарлик жиноятларининг билан бирга “спам” тушунчаси ҳам кенг қўлланилади. Спам - бу реклама материалларини ўз ичига олган кирувчи Электрон почта хабарлари. Қабул қилувчи учун спам қимматга тушади, чунки фойдаланувчи кўпроқ электрон почта хабарларини олишга ўз вақтини ва пуллик интернет трафигини сарфлайди. Шунингдек, спам-почтада ўз-ўзидан бажариладиган қўшимчалар сифатида заарли дастурлар бўлиши мумкин<sup>93</sup>.

Спам – технологиялар сохта хабарларни оммавий тарқатишини ташкил қилиш, жўнатувчининг сохта манзилларини алмаштириш ва почта жўнатмаларини амалга ошириш учун шубҳали фойдаланувчиларнинг вирусли компьютерларидан фойдаланиш имконини беради. Бу турли фирибгарлар ва кибержиноятчиларни ўзига жалб қиласидиган спамнинг ўзига хос хусусияти ҳам

---

<sup>91</sup> Скимминг (Skimming) // <https://www.anti-malware.ru/threats/skimming>.

<sup>92</sup> Фишинг, вишинг, смишинг, фарминг — в чем разница // <https://www.protectimus.com/blog/russian-phishingvishing-smishing-pharming>.

<sup>93</sup> <http://school2.68edu.ru> (сайтга 2022 йил 18 июнь куни мурожаат қилинган)

фойдаланувчиларни алдаш, ҳам жиноий фаолият изларини яшириш учун кулай усулдир<sup>94</sup>.

Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсак, киберфирибгарлик жиноятнинг анъанавий фирибгарликдан криминология жиҳатдан фарқ қилувчи жиҳатларидан бир деярли барча фирибгарлик схемалари спам ёрдамида жабрланувчиларга тарқатилади. Аудиториянинг кенгли туфайли албатта бирон бир шахс киберфирибгарлик тузоғига тушади ва ўзи билган ёки билмаган ҳолда алданиб, ўз маблағини фирибгарга тақдим этади.

Киберфирибгарлик хавфи ортиб боришини олдини олиш учун молиявий институтлар хавфсизлик тизими ҳамда ахборотнинг маҳфийлик даражасини ошириш, ҳар доим фойдаланувчиларга киберфирибгарлик турлари ва ундан сақлаш учун тавсиялар ишлаб чиқариши лозим. Хусусан, банклар турли молиявий, техник ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда янги киберфирибгарлик таҳдидларини баҳолашлари ва узоқ муддатли истиқболли таҳдидларни самарали тарзда олдини оладиган стратегиялар ишлаб чиқиш керак бўлади.

---

<sup>94</sup> Мошенничество в спаме. <https://securelist.ru/moshennichestvo-v-spame/1247>. (сайтга 2022 йил 18 июнь куни мурожаат қилинган)

## **2.2-§. Киберфиригарлик жиноятларининг криминологик жиҳатлари**

Фиригарлик жиноят олимнинг энг оммалашган, кенг тарқалган жиноят тури ҳисобланади. Фиригарларнинг мақсади жабрланувчига зўравонлик, таҳдид ва қурол ишлатмасдан, ёлғон йўл билан ўзгаларнинг мулки ёки мулкка бўлган хуқукини қўлга киритишдир. Жабрланувчи фиригар ноқонуний хатти-ҳаракатини содир этаётганлигига шубҳа қилмасдан, ўз мулкини ёки унга бўлган мулк хуқукини ўз хоҳиши билан тақдим этади. Фиригарлар бошқа жиноятчиларга ўхшамайди. Улар айёр, топқир, зукко ва инсонларни ишонтира олиш қобилиятига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси билан фирибнарлик жиноятига жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисми “в” бандида эса, компьютер техникиси воситаларидан фойдаланиб содир этилганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши фирибгарликнинг янги турини пайдо бўлиши замин яратиб берди. Нигерия хоти, фарминг, фишинг, онлайн аукционлар, “ёрдам чақириқлари” ва бошқалар. Бу турдаги фиригарлик жиноятини киберфирибгарлик деб номланиши мақсадга мувоғиқ деб ҳисобладик (киберфирибгарлик тушунча 3- параграфда муҳокама қилинган).

Анъянавий фиригарликдан фарқли равишда киберфирибгарликнинг ўзига хос криминологик хусусиятлари бўлиб, қуйидаги параграфда буни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Жиноятнинг криминалистик жиҳати шундай “илмий абстракция” бўлиб, уни таҳлил қилишдан мақсад жиноят ҳақидаги тегишли билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали жиноятни тергов қилишнинг энг

тўғри усулларини ишлаб чиқишдан иборатdir. Бу жиноятнинг тегишли тури хақидаги маълумотларни умумлаштириш натижасидир<sup>95</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, компьютер жиноятига доир муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Фундаментал тадқиқотларнинг йўқлигига қарамай, халқаро ва маҳаллий ҳукуқни қўллаш амалиётини умумлаштиришга асосланган фанда умумий қабул қилинган маълумотларга асосланган бир нечта ёндашувлари шаклланган. Ушбу маълумотлар компьютер фирибгарлигининг криминалистик хусусиятларини ўрганиш учун услубий асос сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Тадқиқотчилар асосий эътиборни компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятларнинг криминалистик жиҳатига қаратдилар. Бу турдаги жиноий ҳужумларни ўрганиш жараёнида шакллантирилган ёндашувлар ва нуқтаи назарлар жуда кенг доирага эга - ушбу жиноятларнинг криминологик жиҳатларининг аҳамиятини инкор этишдан тортиб, криминологик хусусиятнинг ўзига хос элементларини ажратиб кўрсатишга<sup>96</sup>.

Нуқтаи назарлардан бирига кўра, ушбу жиноятларнинг криминологик жиҳатларининг таркибий элементлари уларни таснифлаш учун ҳеч аҳамиятга эга эмас. Улар фақатгина компьютер соҳасидаги жиноятлар синифдан ажратиб кўрсатишга имкон беради.<sup>97</sup> Муаллифларнинг яна бир грухси компьютер жиноятларининг криминалистик жиҳатларининг алоҳида элементларини ажратиб кўрсатиш зарурлигига эътибор қаратган ҳолда, ушбу элементлар орасида содир этиш усули, излари, жиноят шароитлари ва жиноятчининг шахсини кўрсатади<sup>98</sup>. Шу билан бирга, В.Б.Вехов жиноятларнинг ушбу тоифасини криминалистик тавсифлашда жиноятчининг шахси, унинг

<sup>95</sup> Ермоленко Д.А. Криминалистическая характеристика мошенничества в сфере компьютерной информации // Юридические науки. 2015.

<sup>96</sup> Грибунов О.П. Теоретические основы и прикладные аспекты раскрытия, расследования и предупреждения преступлений против собственности, совершаемых на транспорте: монография. Иркутск, 2016.

<sup>97</sup> Дударчик Я.Ю. Анализ взглядов на криминалистическую характеристику преступлений // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. 2017. № 2 (34). С. 45-48.

<sup>98</sup> Стариков М.В. Способ совершения как элемент криминалистической характеристики мошенничества в сфере компьютерной информации // Криминастика: вчера, сегодня, завтра. 2018. № 4 (8). С. 177-179.

мотивлари ва мақсадлари тўғрисидаги криминалистика жиҳатдан муҳим маълумотлар алоҳида рол ўйнайди, деб ҳисоблайди<sup>99</sup>.

Шундай қилиб, кфирибгарликнинг криминологик жиҳатлари ҳақида гапирганда, криминологик нуқтаи назаридан муҳим маълумотлар мажмуасининг умумлаштирилган тавсифини, шу жумладан бир қатор таркибий элементлар ва таркибий қисмларни, шу жумладан: жиноятнинг бевосита субъектини; уни амалга ошириш усули; воситалари; излар ва уларнинг шаклланиш механизми; жиноий ниятни амалга ошириш муҳити, унинг фазовий ва вақтингчалик хусусиятларини инобатга олиш муҳимдир<sup>100</sup>. Бизнинг фикримизча, киберфирибгарлик жиноятнинг криминалистика жиҳатларини аниқлаш анъанавий фирибгарликдан фарқлашда катта амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмига кўра, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Демак, киберфирибгарлик жиноятини учун жиноий жавобгарлик белгиланиши учун унинг обьекти, обьектив томони, субъект ва субъектив томони бўлиши даркор.

Жиноят обьекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир<sup>101</sup>. Мамлакатимиз олимлари томонидан жиноят обьектилари Жиноят кодексининг 2-моддасида ҳамда ушбу кодекснинг 8-бўлимидан ташқари Maxsus қисм бўлимлари ва бобларининг номланишидан келиб чиқади деган фикрни илгари суришади. Худди шунингдек, жиноят хуқуқи назариясида

<sup>99</sup> Вехов В.Б. Основы криминалистического учения об исследовании и использовании компьютерной информации и сведений. Волгоград, 2008.

<sup>100</sup> Ермоленко Д.А. Криминалистическая характеристика мошенничества в сфере компьютерной информации // Юридические науки. 2015.

<sup>101</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 163 бет.

жиноят объектларини “вертикал” ва “горизонтал” таснифлаш одат тусини олган. Жиноят объектларини таснифлашнинг тўрт босқичли тизимидан келиб чиқиб контрабанданинг умумий, маҳсус, турдош ва бевосита объектлари фарқланади. Бундан ташқари, “горизонтал” таснифга кўра, контрабанданинг бевосита объектини бевосита асосий, қўшимча ва факультатив объектларга ажратиш мақсадга мувофиқ<sup>102</sup>. М.В.Рустамбаевнинг фикрича, ижтимоий муносабатлар жиноят обьекти сифатида бир неча таркибий элементларга эга бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- ижтимоий муносабатар мавжудлигининг сабаби бўлган предмет;
- ижтимоий муносабат субъекти;
- ижтимоий муносабат таркиби сифатида ижтимоий алоқа<sup>103</sup>.

Жиноят обьекти Жиноят кодексининг Маҳсус қисм бўлимлари ва бобларидан келиб чиқиб аниқланади деган қоидадан келиб чиқсан, киберфирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик Германия Федерацияси Жиноят кодексининг “Фирибгарлик ва ишончни суистеъмол қилиш” – XXII бўлими, Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодексининг “Фирибгарлик ва товламачилик” - XXIX бўлимида жойлашган. Б ўлимларининг номланиши жиноят обьектини аниқлаш учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бироқ бу қоида қўпроқ МДҲ давлатларига хос хусусият ҳисобланади. Мисол учун, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” VIII бўлим, “Мулкка қарши жиноят” 21-бобда киберфирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик белгиланган. белгиланган. Бундан кўринадики, киберфирибгарлигининг жиноят обьекти ўзгалар ўз мулкларига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган мулкий муносабатлардир.

---

<sup>102</sup> Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 43 бет.

<sup>103</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуки курси. Том 1.Жиноят хақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 164 бет.

В.Т.Томина, В.В.Сверчкова<sup>104</sup>, А.В.Бриллиантов, Г.Д.Долженкова, Э.Н.Жевлаков<sup>105</sup>, А.В.Наумов, А.Г.Кибальник<sup>106</sup>, Б.В.Яцеленко<sup>107</sup>, И.А.Клепицким<sup>108</sup> ва бошқалар ўзларининг шарҳлари ҳамда китобларида компьютер фирибгарлигининг жиноят объекти сифатида ўзгалар мол-мулкини белгилашади. М.В.Елин ўз мақоласида бу тоифа фирибгарликнинг жиноят объекти ҳақида “Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 21-бобида компьютер маълумотлари соҳасидаги фирибгарликнинг киритилиши мулкий муносабатларни ўзига хос объект сифатида назарда тутади, бевосита объект бошқа бировнинг мулки ёки унга бўлган ҳукуқлар” эканлигини билдиради<sup>109</sup>.

Жиноят объектида жиноят предмети тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, жиноят предмети – жиноят объектига нисбатан тажовуз қилишда айбдор шахс тўғридан-тўғри таъсир этадиган, у туфайли ёки унинг учун жиноят содир қилинган объектив оламдаги жонли ёки жонсиз моддий нарсалар<sup>110</sup>.

Анъанавий фирибгарликнинг жиноят предмети асосан ўзгаларнинг мулклар ҳисоблансада, мулқдан ташқари юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган ҳукуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳукуқини қўлга киритиши мумкин)<sup>111</sup>. Б.В.Здравомысловнинг фикрича “жиноят предмети – бу жиноят содир

<sup>104</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 2. Особенная часть. Разделы VII-VIII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. - С. 159. – Серия: Профессиональные комментарии.

<sup>105</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный): в 2т. / А.В.Бриллиантов, Г.Д.Долженкова, Э.Н.Жевлаков (и др.); под ред. А.В.Бриллиантона. – 2-е изд. – Москва: Проспект, 2017. С. 599-606.

<sup>106</sup> Уголовное право. В 2 т. Том 2. Особенная часть: учебник для академического бакалавриата А.В.Наумов (и др.); отв. Ред. А.В.Наумов, А.Г.Кибальник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С. 143-145.

<sup>107</sup> Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.И.Рарога. – 10-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 480-485.

<sup>108</sup> Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.В.Бриллиантона. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 495-501.

<sup>109</sup> Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)-2013.

<sup>110</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. Том 1.Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 170 бет.

<sup>111</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. Том 1.Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 171 бет.

этилаётган ташқи дунёнинг моддий нарсаси”<sup>112</sup> ва бошқа олимнинг фикрига кўра, “жиноятнинг предмети, шунингдек, “одамларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган, уларга нисбатан жиноий таъсир кўрсатиши (ёки ноқонуний муомаласи) зарап етказиш таҳдидини келтириб чиқарадиган ёки вужудга келтирувчи ҳар хил турдаги моддий ва номоддий неъматлар”<sup>113</sup> худди шундай фикрларни С.И.Улезко, Д.А.Семенов, А.С.Денисов, Я.Л.Букалерова ва А.В. Остроушколар ҳам билдиришган. В.М.Елиннинг фикрича бу қараш Россия жиноят хуқуқининг замонавий таълимотида жиноят предмети тушунчаси доирасини кенгайтириш тенденцияси мавжуд деган хulosага келиши мумкинлигига тўхталади<sup>114</sup>. Иккинчи гуруҳ олимларининг фирмларидан келиб чиқсан, жиноят предмети номоддий нарса бўлиши мумкин ҳақидаги тўхтамга келиш мумкин. Киберфирибгарлик жиноятининг ўзига хос хусусияти жиноят предметининг номоддий кўринишга эга бўлишидир.

Бутун дунёда банк карталар ёрдамида тўловларни амалга ошириш одатий тусга айланган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги “Электрон тўловлар тўғрисида”ги З-сонли Қонуни билан мамлакатимиз худудида турли хил товар, хизматлар учун тўлов карталари ёрдамида тўлов қилиш имконияти яратилган. Бугунги кунда нақд пуллар ўрнига банк карталари ёки ҳисобварақаларни веб-сайтга улаган ҳолда турли тўловни амалга ошириш мумкин.

Киберфирибгарликнинг деярли барча турларида жабрланувчилар фирибгарларга ўзларининг банк карталаридаги пул суммалари ёрдамида пул ўтказиб беришади. Банк карталари ёки банк ҳисобидаги маблағлар моддий кўринишга эга эмас, бироқ жиноят предмети моддий нарса эканлигидан келиб чиқсан, банк карталаридаги пуллар моддий нарса эканлигига оид тушунмовчилик келиб чиқади. Юқоридаги иккинчи гуруҳ олимлар томонидан

<sup>112</sup> Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под ред. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 1999.

<sup>113</sup> Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я.Козаченко, З.А.Незнамовой. – М., 1997.

<sup>114</sup> Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)-2013.

жиноят предмети номоддий нарса бўлиши мумкинлигидан келиб чиқсак, банк карталари ва банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкинлигини айтишимиз мумкин.

В.М.Елин киберфирибгарлик жиноят предмети сифатида “ахборот”ни ҳам қайд этади ва шундай фикр билдиради: ахборотни компьютер маълумотлари соҳасидаги фирибгарлик предмети сифатида кўриб чиқиш имконияти ҳақидаги саволни ҳозирги вақтда бир маънода ҳал қилиб бўлмайди ва уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш керак. Сабаби, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 159.6-моддаси сарлавҳасида ва унинг таркибида номувофиқлик мавжуд. “Объект”, “нарса”, “предмет” вазифасини бажара оладиган тушунча тўғрисидаги маълумотлар масаласи умуман ишлаб чиқилмаган<sup>115</sup>.

Бизнинг фикримизча бу ёндашув ҳам бир томондан тўғри. Фишинг ва фарминг киберфирибгарлик турида фирибгарлар жабрланувчилардан дастлаб банк карталарига оид маълумотларни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш орқали олиб кейин банк карталаридаги маблағни бошқа бир банк картасига ёки банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Бироқ ахборотнинг жиноят предмети бўла олиш билан боғлиқ муаммо тўлиқ таҳлил қилинмаганлиги сабабли, ахборотни киберфирибгарликнинг предмети деб белгила олмаймиз.

Жиноят таркибининг объектив томони – тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайдиган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисидир<sup>116</sup>. Бир неча турдаги жиноятларнинг обьекти ва предмети бир хил бўлсада, уларни фарқловчи белги бу уларнинг объектив томонидир. Масалан, ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилиш жиноятларнинг жиноят

---

<sup>115</sup> Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)–2013.

<sup>116</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 1.Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 174 бет.

объекти ўзгаларнинг мол-мулки билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бўлса, предмети мол-мулк ва унга бўлган ҳуқуқдир. Бироқ турдаги жиноятларни фарқлаш учун объектив томон асосий аҳамият касб этади.

Жиноятнинг объектив томонини аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилиш, тергов қилиш ва жазо тайинлашда хизмат қилади. Жиноят объектив томонининг белгилари Жиноят кодексининг Махсус қисми моддалари асосан диспозицияларида ифодаланилади. Бугунги кунда киберфирибгарлик жиноятини жиноий жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида “компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,...” деган объектив томони сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум Қарорининг 20-бандига қўра, тушунтирилсинки, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси иккинчи қисми «в» банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш. к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади. Бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзgartириш йўли билан ҳам, компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмишни ЖК 168-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан квалификация қилиб бўлмайди.

Қуйида хорижий давлатларнинг Жиноят кодексида киберфирибгарлик жиноятининг объектив томонини таҳлил қилсак:

Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодексининг 347-моддаси “компьютердан фойдаланган ҳолда фирибгарлик”: Исталган одам, ўзига ёки учинчи шахс манфаати учун фойда олиш мақсадида, ёлғон маълумот киритиш

орқали бирон бир ахборотга қайта ишлов берса ёки нотўғри буйруқ берса, ёхуд ҳеч қандай рухсатсиз компьютер маълумотга ишлов бериш процессида ўзгартириш киритса...<sup>117</sup>;

Германия Федерацияси Жиноят кодексининг 263а-моддаси “компьютер фирибгарлиги”: Ўзи ёки учинчи шахс учун ноқонуний молиявий фойда олиш мақсадида нотўғри дастурлаш, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш орқали электрон маълумотларни қайта ишлаш жараёнининг натижаларига таъсир қилиш орқали бошқа шахснинг мулкига зарар етказадиган ҳар қандай шахс тегишли ваколатга эга бўлмаган ҳолда маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш ёки қайта ишлаш жараёнига бошқача таъсир кўрсатиш – ...<sup>118</sup>;

Япония Жиноят кодекси 246.2-моддаси “компьютер фирибгарлиги”: 246-модданинг (фирибгарлик) қоидалариға қўшимча равища, нотўғри маълумотларни киритиш ёки компьютерга рухсатсиз буйруқлар бериш орқали мулкий ҳуқуқларни кўлга киритиш, йўқотиш ёки ўзгартариш билан боғлиқ нотўғри электромагнит ёзувни яратиш орқали даромат олган шахс...<sup>119</sup>;

Эстония Жиноят кодексининг 213-моддаси 1-қисмида “компьютер фирибгарлиги”: Компьютер дастурлари ёки маълумотларини ноқонуний киритиш, ўзгартариш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки блокировка қилиш ёки моддий манфаат кўриш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш операциялариға бошқа ноқонуний аралашиш йўли билан бошқа шахсга мулкий зарар етказиш...<sup>120</sup>;

---

<sup>117</sup> Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодекси (инглиз тилидаги норасмий тажрима – 2022 йил 16 июнь куни сайтга мурожаат қилинганд) [https://elaw.klri.re.kr/eng\\_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG](https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG)

<sup>118</sup> П.В. Головненков. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Universitätsverlag Potsdam. 2021. С. 369. <http://verlag.ub.uni-potsdam.de>

<sup>119</sup> Япония Жиноят кодекси (инглиз тилидаги норасмий тажрима – 2022 йил 16 июнь куни сайтга мурожаат қилинганд ) <https://www.cas.go.jp/seisaku/hourei/data/PC.pdf>

<sup>120</sup> Эстония Республикаси Жиноят кодекси (инглиз тилидаги расмий таржима сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинганд) <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/522012015002/consolide>

Россия Федерациясида киберфирибгарлик жинояти учун Жиноят кодексининг 159<sup>3</sup>-моддаси ва 159<sup>6</sup>-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланган:

159<sup>3</sup>-моддаси “Электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик”: электрон тўлов воситаларидан фойдаланиб фирибгарликни содир этиш.... ва

159<sup>6</sup>-моддаси 1-қисми “Компьютер маълумоти соҳасида фирибгарлик”: Компьютер маълумотлари соҳасидаги фирибгарлик, яъни компьютер маълумотларини киритиш, ўчириш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки сақлаш, қайта ишлаш, ахборот ва телекоммуникация тармоқларини узатиш ёки бошқа воситаларнинг ишлашига аралашиш йўли билан бирорнинг мулкини талон-торож қилиш ёки бирорнинг мулкига бўлган хукуқни қўлга киритиш...” ва бошқалар.

В.М.Елиннинг умумий таҳлилига кўра, компьютер маълумотлари соҳасидаги фирибгарликнинг объектив томони бирорнинг мулкини ўғирлаш ёки бирорнинг мулкига бўлган хукуқни қўлга киритишдир. Жиноят содир этиш усули:

- компьютер маълумотларини киритиш, ўчириш, блокировка қилиш, ўзгартириш;
- компьютер ахборотини ёки ахборот-телекоммуникация тармоқларини сақлаш, қайта ишлаш ёки узатиш воситаларининг ишлашига бошқа аралашувлар<sup>121</sup>.

Юқоридаги киберфирибгарликнинг объектив томони ифоланилган модда диспозициясини таҳлил қиласиган бўлсак, киберфирибгарлик жиноятини объектив томони ифодалашда ахборотни “киритиш”, “ўчириш”, “блокировка қилиш” ва “модификация қилиш” каби сўзларни қўлланилган. Ушуб тушунчалар қуйидагича маънони анлатади:

---

<sup>121</sup> Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)-2013.

- компьютер маълумотларини киритиш - компьютер ёки бошқа электрон қурилмага ишлаши давомида маълумотларни ёки сигналларни киритиш, маълумотлар аудио, видео ва механик қурилмалар орқали киритилиши мумкин<sup>122</sup>;
- компьютер маълумотларини ўчириш - ҳақиқий компьютер маълумотларини олиб ташлаш, масалан, улушларнинг, ернинг ҳақиқий эгаси тўғрисидаги маълумотлар йўқ қилиш ёки маълумотлар бир қисмини нотўғри кўрсатиш<sup>123</sup>;
- компьютер маълумотларини блокировка қилиш – бу компьютер, компьютер тизими ёки уларнинг тармоғидаги компьютер маълумотларига киришни чеклаш ёки ёпишга олиб келадиган ҳаракатлар<sup>124</sup>;
- компьютер ахборотини модификациялаштириш – компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равища ўзгартириш; компьютер тизимида сақланаётган ахборотга шикаст етказиш; компьютер тизимида сақланаётган ахборотни ўчириш; била туриб компьютер тизимида сақланаётган ахборотга ёлғон маълумотни киритиш тушунилади<sup>125</sup>;
- компьютер маълумотларига аралашув – компьютер маълумотларини сақлаш, қайта ишлаш ёки узатиш воситаларининг ёки ахборот ва телекоммуникация тармоқларининг ишлашига компьютер маълумотларини нусхалаш, зарарли компьютер дастурлари ёки маълумотларини тарқатиш<sup>126</sup>.

<sup>122</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 2. Особенная часть. Разделы VII-VIII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019, - С. 1.60 – Серия: Профессиональные комментарии.

<sup>123</sup> Уголовное право. В 2 т. Том 2. Особенная часть: учебник для академического бакалавриата А.В.Наумов (и др.); отв. Ред. А.В.Наумов, А.Г.Кибальник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С. 146.

<sup>124</sup> Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.И.Рарога. – 10-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 484

<sup>125</sup> Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка карши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 57 бет.

<sup>126</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 2. Особенная часть. Разделы VII-VIII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019, - С. 160. – Серия: Профессиональные комментарии.

Бу тушунчалар билан бирга диспозицияда “компьютер маълумоти” тушунчаси ҳам кўп қўлланилган. “Компьютер маълумоти” тушунчаси ўрнига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида “компьютер ахборти” тушунчаси қўлланилган. М.Ҳ.Рустамбаев қайд этилган масала юзасидан фикр билдирад экан, “компьютер ахбороти – бу ЭҲМ, ЭҲМ системаси ёки уларнинг тармоғида мавжуд бўлган ва ЭҲМ ёрдамида қайта ишланиши мумкин бўлган у ёки бу фактлар, шахслар, воқеалар, жараёнлар ҳақидаги ахборот”<sup>127</sup>, деб таъриф беради. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунда мазкур атама билан айнан бўлган бошқа тушунча – ахборот ресурси қўлланиладп. У ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасини англатади<sup>128</sup>.

МДҲ хамда бошқа Шарқий Европа давлатларидан киберфиригарлик жинояти учун Ўзбекистон Республикасига ўхшашиб тарзда жиноий жавобгарлик белгиланган:

- Украина Республикаси Жиноят кодексида киберфиригарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик анъанавий фиригарлик жиноятининг таркибида яъни, Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисми “катта миқдорда ёки электрон компьютерлардан фойдаланган ҳолда ноқонуний операциялар орқали содир этилган фиригарлик<sup>129</sup>;

- Козоғистон Республикаси Жиноят кодекси 190-моддаси 2-қисми 4-банди “ахборот тизими фойдаланувчисини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан<sup>130</sup>;

Белорусия Республикаси Жиноят кодексида киберфиригарлик учун алоҳида норма белгиланган бўлиб, бу ўзида компьютер ёрдамида содир этиладиган барча турдаги талон-торож жиноятларини ўзи ичига олади:

---

<sup>127</sup> Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси 5 том. Махсус қисм. Жамоат хавфзислиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 178.

<sup>128</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни, 3-модда 3-қисми // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 6-сон, 67-модда.

<sup>129</sup> Украина Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks>

<sup>130</sup> Козоғистон Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252&sub\\_id=1900000&pos=2837;-36#pos=2837;-36](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&sub_id=1900000&pos=2837;-36#pos=2837;-36)

Жиноят кодексининг 212-моддаси “компьютер маълумотларни модификация қилиш орқали мол-мулкни талон-торож қилиш<sup>131</sup>.

Кирғизистон<sup>132</sup>, Тожикистон<sup>133</sup>, Азарбайжон<sup>134</sup> ва Туркманистон<sup>135</sup> Республикалари Жиноят кодексларида киберфиригарилк жинояти анъанавий фиригарлик сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Давлатлар Жиноят кодексларини таҳлил қилиш орқали киберфиригарлик компьютердаги маълумотларга ёлғон маълумот киритиш, маълумотларни қайта ишлов бериш, ўчириш ёки модификация қилиш орқали содир этилишини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу киберфиригарлик жиноятининг объектив томони ҳисобланади.

Субъектив томон жиноят тўғри қасдан содир этилади. Жиноятчи компьютер маълумотларини киритиш, ўчириш, блоклаш, ўзгартриш ёки компьютер маълумотларини сақлаш, қайта ишлаш ёки узатиш воситаларининг ёки ахборот-телеқоммуникация тармоқларининг ишлашига бошқача тарзда халақит бериш йўли билан ўзгаларнинг мулкини ёки унга бўлган хуқуқларни эгаллаб олишини билади<sup>136</sup>.

Киберфиригарлик жиноятининг субъектив томони юзасидан турли хил қарашлар мавжуд: В.Т.Томина, В.В.Сверчковалар<sup>137</sup> киберфиригарлик жиноятининг субъектив томони айбнинг қасдан содир этиш шакли билан характерли эканлигини қайд этишади. Бироқ жинояни квалификация қилишда жиноят мақсади аҳамиятга эга эмаслигини айтишади; А.В.Наумов,

<sup>131</sup> Белорусия Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) [https://kodeksy-by.com/ugolovnyj\\_kodeks\\_rb/212.htm](https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb/212.htm)

<sup>132</sup> Кирғизистон Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>

<sup>133</sup> Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) [http://ncz.tj/system/files/Legislation/574\\_ru.pdf](http://ncz.tj/system/files/Legislation/574_ru.pdf)

<sup>134</sup> Азарбайжон Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=2077;-56](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=2077;-56)

<sup>135</sup> Туркманистон Республикаси Жиноят кодекси (сайтга 2022 йил 16 июнь куни мурожаат қилинган) [http://www.untuk.org/publications/legislation/ug\\_kod/](http://www.untuk.org/publications/legislation/ug_kod/)

<sup>136</sup> Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)-2013.

<sup>137</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 2. Особенная часть. Разделы VII-VIII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019, - С. 159. – Серия: Профессиональные комментарии.

А.Г.Кибальниклар<sup>138</sup> ва Б.В.Яцеленконинг<sup>139</sup> фикрича субъектив томондан киберфиригарлик қасдан ва ғараз мақсадда содир этилишини қайд қилишади.

Киберфиригарлик жиноятининг субъекти бошқа турдаги жиноятдан бир мунча фарқ қиласы. Компьютер маълумотлари соҳасидаги фиригарлик субъектларининг криминалик жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга.

Компьютер технологиялари соҳасидаги фиригарларнинг шахсий хусусиятлари қуидагиларни ўз ичига олади: асосан 14 ёшдан ошган эркаклар бўлиб, улар орасида 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган шахслар кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан маҳсус билимга эга, яхши техник кўникмаларга эга шахслар. Ўзларининг манфаатларини иккинчи даражага қўйиб, асосан қизиқиши мотиви асосида, баъзан ҳар иккаласи мотив асосида ҳаракат қилишади. Бундай фиригарлар компьютер терминологиясидан ва ИТ-мутахассислари доирасидан ташқаридаги одамлар учун тушунарсиз бўлган ўзига хос лугатдан фойдаланадилар. Улар кўпинча ёпиқ, ижтимоий тармоқларда мулоқотни афзал кўрадилар, ҳақиқий хаётда улар кичик ижтимоий доирага эга. Бундай фиригарларнинг ўзини ўзи қадрлаши кўпинча ортиқча баҳоланади, улар ўзларини даҳо деб билишади, ўз қурбонларига нафрат билан муносабатда бўлишади, хавф-хатарни яхши кўрадилар, аналитик, мантиқий фикрлаш ва жиноий режаларни амалга оширишда ижодий ёндашувни намоён этадилар. Агар тергов жиддий далилларга эга бўлса, улар осонгина ҳамкорлик қилишади<sup>140</sup>.

А.С.Малахов ва А.С.Дубинлар ҳам юқоридаги фикрларга қўшилиб, киберфиригарликнинг ўзига хос хусусияти сифатида, ушбу жиноят субъективнинг ёш (17-35 ёш) ва кўпинча компьютер технологиялари соҳасида

<sup>138</sup> Уголовное право. В 2 т. Том 2. Особенная часть: учебник для академического бакалавриата А.В.Наумов (и др.); отв. Ред. А.В.Наумов, А.Г.Кибальник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С. 143-145.

<sup>139</sup> Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.И.Рарога. – 10-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 480-485.

<sup>140</sup> Ермоленко Д.А. Криминалистическая характеристика мошенничества в сфере компьютерной информации // Юридические науки. 2015.

максус маълумотга эга эканлигини таъкидлайди. Бу фактлар кўриб чиқилаётган ишлар тоифасининг ижтимоий хавфлилигини оширади, чунки билимли ёшларнинг жиноий муҳитга жалб этилиши жамият ва давлат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.<sup>141</sup>

Киберфиригарлик жиноятнинг субъекти Эстония Республикасининг Жинояти кодексига 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс эканлиги белгиланган. Бироқ юқорида саналган қолган давлатларда жиноят субъекти 16 ёшли ақли расо жисмоний шахсдир.

А.К.Расулов ҳам ўзининг номзодлик диссертациясида компьютер жиноятлари учун субъект ёшини 14 ёшдан белгилаш лозимлигини тавсия қилган<sup>142</sup>.

Киберфиригарликнинг ўзига хос бўлган яна бир қанча криминологик жиҳатлари мавжуд бўлиб, улардан бири кибержиноятчиликнинг яна бир хавфли жиҳати – ёвуз мақсадларни масофадан туриб амалга ошириш.<sup>143</sup> Г.Ф.Мусаевнинг фикрича – кибержиноят кўпгина давлатлар томонидан энг кенг тарқалган трансмиллий жиноят ҳамда юридик ва жисмоний чегарани билмаслигини таъкидлайди<sup>144</sup>.

О.А.Старостенконинг фикрича, киберфиригарликни тавсифловчи асосий хусусиятларни аниқлаш, уни бошқа фиригарлик турларидан ажратиш имконини беради:

1. Ахборот-телекоммуникация технологияларидан (шахсий компьютер, планшет, ноутбук, смартфон, ақлли соат ва бошқалар) фойдаланиш орқали

<sup>141</sup> Малахов А.С. Некоторые особенности раскрытия и расследования мошенничества в сети Интернет / А.С. Малахов, А.С. Дубинин // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. — 2013. — № 9. — С. 187–190.

<sup>142</sup> Расулов А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореф. дисс. ... кан. юрид. наук. – Ташкент, 2006. С.27.

<sup>143</sup> Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллый ва халқаро стандартлар. Монография. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018, 83 бет.

<sup>144</sup> Мусаев Г.Ф. Киберпреступность – и проблемы расследования киберпреступлений. Актуальные вопросы, возникающие при производстве предварительного расследования. // Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и расследовании трансграничных киберпреступлений. Пособие по результатам регионального семинара для практиков уголовного правосудия центральной Азии. Ташкент. 2020. С. 36.

жабрланганлар билан масофадан туриб алоқа қилиш имконияти мавжуд. Киберфирибгарликда фирибгарлар ва қурбонлар ўртасида аноним равишда тармоқ алоқалари ўрнатилади.

2. Маълумотлар ва дастурий таъминотни манипуляция қилишади, яъни жиноят содир этиш жараёнида фирибгарлар сифатни йўқотмасдан нусха кўчиришлари ва маълумотларни кўринадиган изларсиз ўзгартериши мумкин.

3. Интернетда ишга туширилган дастурий таъминот асосий дастурий таъминот ёрдамида миллионлаб компьютерларга қисқа муддатли ва узоқ вақт давомида хужум қилиши мумкин.

4. Интернет жиноятини кичик ноқулайликдан жиддий зааргача кўпайтириш имконини беради.

5. Интернет кўп миқдорда мавжуд бўлмаган имтиёзларни жамлаш имконини беради, бу эса қурбонларнинг сезиларли сони ва етказилган зарарнинг кичик миқдорини тасдиқлайди.

6. Интернет ахбороти иқтисодиётининг ривожланишига, яъни ахборот хуқуқий бозорда (мусиқа, фильмлар, дастурий таъминот, китоблар) ҳам, соя бозорида ҳам (кредит санъати, шахсий маълумотлар, киберфирибгарликни енгиллаштириш учун шахсий маълумотлар ва пароллар) ҳисса қўшади.

7. Тезкор инновацион циклларга эга, бу эса энг қисқа вақт ичida жиноят содир этишнинг янги усуслари ва воситаларидан фойдаланиш имконини беради.

8. Жиноятчилар алдаш психологиясидан ва турли хил бошқа усувлардан фойдаланадилар<sup>145</sup>.

А.А. Жмыхов глобал Интернетдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этишга ҳисса қўшадиган учта хусусиятини аниқлайди: тармоқ томонидан жиноятчига тақдим этилган анонимлик (ҳақиқий дунёда жойлашган, лекин виртуалда жиноят содир этади); хуқуқбузарнинг ва унинг жабрланувчининг

---

<sup>145</sup> О.А.Старостенко. Закономерности становления и развития кибермошенничества в России и за рубежом // Вестник Уральского юридического института МВД России – 2011. - №1. – С.142.

худудий узоқлиги; компьютер муҳити анъанавий воситаларга қараганда маълумотни яхшироқ тақдим этилишини таъминлайди<sup>146</sup>.

А.А.Жмыхов томонидан киберфиригарликнинг ортишига киберсаводхонликнинг йўқлиги молиявий сектордаги ташкилотлар мижозларининг маблағларини ўғирлашнинг асосий сабаби қилиб кўрсатади. Шу муносабат билан молиявий секторлар мижозларини киберфиригарларнинг эҳтимолий таҳдидлари, киберхужумларнинг энг кенг тарқалган турлари ва ижтимоий муҳандислик усуллари хақида хабардор қилиш учун турли алоқа каналлари ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди<sup>147</sup>. Албатта, бу чора киберфиригарлик даражасини сезиларли даражада камайишига ва уни минималлаштиришга хизмат қиласди. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар Интернетда жойлаштирилган маълумотларни назорат қилиши ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бундай тадбирлар самараси нафақат мижозлар ва интернет фойдаланувчиларининг масофавий банк технологияларига бўлган ишончини, балки бутун молия соҳасига ишончини оширади.

Фиригарлар томонидан қўлланиладиган стратегиялардан бири ҳар бир жабрланувчининг молиявий зарари маълум чегарадан паст бўлишини таъминлашdir. “Кичик” йўқотиш билан қурбонлар бундай жиноятлар хақида хабар бериш ва тергов қилиш учун вақт ва куч сарфлаш эҳтимоли камроқ<sup>148</sup>.

Эронлик олимларининг фирмича, компьютер фиригарлиги ҳамда анъанавий фиригарликни таҳлил қилиб қўйидаги икки жиҳатдан ажратишиади:

<sup>146</sup> Жмыхов А.А. Компьютерная преступность за рубежом и ее предупреждение : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / А. А. Жмыхов. — М., 2003. — 178 с.

<sup>147</sup> По данной тематике Банк России выпустил рекомендации для кредитных организаций от 19.02.2021 № 3-МР «Методические рекомендации по усилению кредитными организациями информационной работы с клиентами в целях противодействия несанкционированным операциям». URL: /statichtml/file/117596/20210219\_3-mr.pdf (дата обращения: 02.02.2021).

<sup>148</sup> Understanding cybercrime: Phenomena, challenges and legal response September 2012.

а) Интернетдан анъанавий жиноят содир этиш учун фойдаланиш: фирибгарлар интернетдан фирибгарлик жиноятини содир этиш воситаси сифатида фойдаланиб, бошқаларни алдашади ва уларнинг мулкини талонторож қиласди. Бундай ҳолда, компьютердан фақат жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланилганлиги ва қурилма тури фирибгарликни амалга оширишда самарали бўлганлиги сабабли, содир этилган жиноят анъанавий фирибгарлик билан боғлиқ бўлган жиноят қонуни билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Қилган жиноят анъанавий фирибгарлик бўлиб, уни анъанавий компьютер фирибгарлиги деб аташ мумкин.

б) Компьютердан фирибгарлик жиноятини содир этиш учун фойдаланиш: жиноятчилар жабрланувчини ёки унинг вакилини алдамайдилар, балки компьютер маълумотларига ёки компьютер тизимининг ишлашига араласиши орқали жабрланувчининг мулкини ўғирлашади ва жабрланувчига тегишли молиявий хизматлардан фойдаланадилар. Анъанавий фирибгарлик қонунлари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган бундай жиноят анъанавий компьютер фирибгарлиги деб аталади<sup>149</sup>.

Эронлик олимларнинг фирмкларига қисман қўшиламиз, фирибгарлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали фирибгарлик жиноятини содир этилишини бир мунча осонлаштиришади. Бироқ, ҳар иккала жиноятда обьект бир хил хусусиятга эга бўлсада, уларнинг обьектив томони фарқланади. Ундан ташқари, киберфирибгарлик жиноятнинг субъектлар анъанавий фирибгарлик субъектларини салоҳият, билим даражаси ҳам иехнологик қўникмага эга эканлиги билан ҳам фарқланади.

Эронлик олимларнинг анъанавий фирибгарлик жинояти жиноий жавобгарликка тортувчи қонун нормаси билан киберфирибгарлик жиноятига жиноий жавобгарлик белгилаб бўлмаслиги ҳақидаги фикрга тўлиқ қўшиламиз. Шу сабабли, киберфирибгарлик жиноятни учун алоҳида Жиноят кодексига

---

<sup>149</sup> Zahed YOSEFI1, Ahmad AHMADI. Investigating Computer Fraud in Criminal Justice System of Iran. Cumhuriyet University Faculty of Science Science Journal (CSJ), Vol. 36, No: 3 Special Issue (2015) ISSN: 1300-1949. p.2.

қўшимча модда қўшилиши лозим деган фикрдамиз. Ундан ташқари, банк карталари билан боғлиқ киберфирибгарлик жиноятини киберфирибгарлик жиноятидан ажратган ҳолда, алоҳида модда билан квалификация қилиниши тарафдоримиз. Бунга сабаб қилиб, банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик жиноятининг объектив томони киберфирибгарлик жиноятидан фарқланади.

Киберфирибгарлик жиноятини олдини олиш мақсадида Канада, АҚШ, Англия, Австралия ва бошқа давлат тажрибаларини ўгранган ҳолда киберфирибгарлик жиноятини таҳлил қилиб, керакли чораларни кўриш у мақсадида махсус платформа ишлаб чиқишни таклиф қилмоқчимиз.

## **З-БОБ. КИБЕРФИРИБАРГА ОИД ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

### **3.1-§. Кибирфирибгарликка оид хорижий давлатлар тажрибаси ва таҳлили**

Бутун дунё ахолиси учун таълим олиш, харид қилиш, кўнгил очиш, бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш ва иш жараёнини ташкил этиш каби кундалик ҳаётдаги вазифаларни енгиллаштирадиган кичик чўнтак компютерларидан тортиб микрочипларгача ихтиро қилинган. Бироқ, ўтган асрнинг 50-йилларида бундай имконият бўлмаган. Даслабки компютерлар бутун бир хонани эгаллаш билан бирга жуда қиммат бўлган. Ундан ташқари, бундай компьютерларни фақат тажрибали ходимларгина ишлата олишган. Ҳозирги кунда эса ҳар қандай ёшдаги, исталган соҳа вакили исталган кундалик технологияларни ишлата олиши мумкин.

Ушбу технологиялар бизга узоқ масофаларда туриб бир зумда мулоқот қилиш имконини беради ва катта ҳажмдаги маълумотларни деярли осон йиғиши ва тартибга солиш, ноқулай ва қиммат бўлиши мумкин бўлган вазифаларни бажариш имконини беради. Бироқ, ҳаётимиз сифатини яхшилаган технологик хазиналар ҳақли равишда икки қиррали қилич деб баҳоланиши мумкин. Компьютер технологиялари кўпчилик учун қулайликлар эшикларини очган бўлса-да, худди шу технологиялар жиноятчилар учун ҳам янги эшикларни очди.

Ҳукуматларнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан 1980 йиллардан бошлаб компьютер жиноятларини содир этилишига алоҳида эътибор бера бошлашган. Бунга кўпглаб корхона, муассаса, ташкилотларнинг компьютерлаштирилиши сабаб бўлган. Жиноятчилар ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларини амалга оширишда маълумотларни осонгина шифрлашлари, маълумотларни сақлашлари ва ҳаттоқи хуқуқни мухофаза қилувчи органларини четлаб ўтган ҳолда ахборотни дунёning исталган нуқтасига узатиши, ўзгартириши, ўчириши мумкин. Интернетнинг фавқулодда таъсири

туфайли компьютер жинояти содир этилиши мумкин бўлган жабрланувчининг географик нуқтасидан (масалан, жабрланувчининг шахсий компьютери) сайёрамизнинг исталган нуқтасига қадар чўзилиши мумкин ва бу жиноий тергов ҳаракатларини янада мураккаблаштиради. Дарҳақиқат, компьютер технологиялари жиноий судлов, тергов ва умуман ҳуқуқ соҳасини кескин ўзгартирди, шунинг учун жиноятчилар компьютердан жиноят қуроли, жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланиб, ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини амалга ошириш учун атайлаб компьютерга мурожаат қилишмоқда. Ушбу турдаги жиноятларнинг умумий жиҳати шундаки, жиноятчи жиноятни муваффақиятли содир этиши ва яширинча қочиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг техник кўникмаларига эга эмас.

Компьютер жиноятларига қарши қурашда дастлаб бир неча компьютер технологияларига қизиқувчи кишилар қатнашган. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, Донн Б.Паркерни компьютер жиноятлари ҳақидаги билим асосчиси ва отаси деб билишади. У 1970 йилларнинг бошидан бери компьютер жинояти ва хавфсизлиги соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланган<sup>150</sup>. Паркер Халқаро CRI (Stanford Research Institute)да компьютер хавфсизлиги бўйича катта маслаҳатчи бўлиш билан бир қаторда Америка Кўшма Штатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун биринчи асосий федерал қўлланма – Компьютер жиноятлари: жиноий адлия қўлланмасининг (1975) асосий муаллифларидан бири ҳисобланади.<sup>151</sup> Ушбу қўлланма кейинчалик кибержиноятчилик учун асосий энциклопедияга айланади.

---

<sup>150</sup> Computer Crime" (1976) Donn B.Parker

<sup>151</sup> This manual was made for the National Criminal Justice Information and Statistics Service, by the Law Enforcement Assistance Administration LEAA. p. 45.

Август Беке<sup>152</sup>, Жей Блоомбекер<sup>153</sup>, Штайн Шоелберг (Норвегия)<sup>154</sup>, Улрих Сибер (Германия)<sup>155</sup> ва бошқа олимлар, амалиётчилар, хуқуқшунослар компьютер жиноятларига қарши қурашга ҳисса қўшган. Нидерландиялик академик X.B.K.Касперсен 1997 йилда ўз ташаббуси билан Европа Кенгашининг Кибержиноятлар бўйича конвенциясида иштирок этган мухим шахслардан бири ҳисобланади<sup>156</sup>.

1976 йил иқтисодий жиноятларнинг криминологик жиҳатлари бўйича Страсбургда бўлиб ўтган Европа Кенгashi конференциясида компьютер жиноятларига қарши қураш бўйича дастлабки ташаббус билдирилган<sup>157</sup>. 1977 йилнинг февраль ойида АҚШ Сенатининг собиқ Ҳукумат операцион қўмитаси ходимларининг сўрови натижасида компьютер дастурлари билан боғлиқ бир қанча муаммоларни кўтариб, компьютерлардан рухсатсиз фойдаланишни тақиқловчи қонун ҳужжатларини кўриб чиқишни тавсия қилинган. 1977 йилда сенатор Рибисофф ўзининг “Рибисофф қонуни”ни тавсия қилган. Ушбу қонун лойиҳаси Қўшма Штатларда компьютерлардан нотўғри фойдаланишни тўғридан-тўғри тақиқловчи федерал қонунчиликка биринчи таклиф эди.

Сенатор Рибисофф компьютер жиноятларни тартибга солувчи қонун нормасини қабул қилиш лозим деб билган: “Бизнинг қўмитамиз текшируви шуни кўрсатдики, Ҳукумат компьютер жинояти бўйича жиноий жавобгарликка тортиш қобилиятига тўсқинлик қилган. Сабаби шундаки, бизнинг қонунларимиз, биринчи навбатда, тез ўсиб бораётган ва ўзгарувчан компьютер технологиялари тўлиқ қамраб олмаган. Бинобарин, прокурорлар

<sup>152</sup> Ugust Bequai: Computer Crime, Lexington Books, USA. 1978.

<sup>153</sup> Ulrich Sieber: Computer criminalitat und strafrecht, Carl Heymanns Verlag KG. 1977.

<sup>154</sup> Stein Schjolberg was 1977 appointed as an assistant police commissioner in Oslo, and as a judge in 1983, and chief judge in Moss tingrett Court in 1994

<sup>155</sup> Ulrich Sieber was later appointed as a professor at the Max Planck University. He has assisted many international organizations: The OECD as a consultant for the guidelines published in 1986, United Nations in 1989, and the Council of Europe for the Organised Crime Report. 2004.

<sup>156</sup> K.E. Brown: Toward an International Convention on Computer-related Crime. (1982).

<sup>157</sup> A Paper for the 12th Conference of Directors of Criminological Research Institutes: Criminological Aspects of Economic Crime, Strasbourg, 15-18 November 1976, page 225-229.

компьютер жиноятини содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиласаларда, улар компьютер жиноятлари учун бошқа қонун нормаларига мурожаат қилишларига мажбур бўлишган”<sup>158</sup>.

Сенатор Жо Байден 1977 йилда Сенатда сенатор Абе Рибикоффнинг қонун нормаси тингловида шундай баёнот берган: “.... сахрода бу овозларни эшишиб, келажак жиноятини - компьютер жиноятчилигини Сенат ва ушбу қўмита эътиборига етказгани учун...”<sup>159</sup>. Қонун лойиҳаси қабул қилинмади, бироқ бу илғор таклиф бутун дунёда компьютерлардан рухсатсиз фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва муаммоларни ҳар томонлама, аммо мослашувчан тарзда адекват ҳал этиш учун мавзу кўламини белгилаш зарурлиги ҳақида хабардорликни оширди.

Халқаро даражадаги телефон ва радио тизимлари, сунъий йўлдошлар ва микротўлқинли қурилмалар орқали трансчегаравий маълумотлар оқими жиноятчилар томонидан жиноий фаолиятларида фойдалангандиги сабабли икки томонлама ёки кўп томонлама муаммоларни келтириб чиқармоқда. Агар ахборот бир неча давлатга тегишли бўлса, у тўғри таъқиб қилинишини таъминлаш учун кўрсатмалар ёки тавсиялар орқали жиноят кодексларни уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлайди, акс ҳолда бу халқаро юрисдикция муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Бутун дунё бўйлаб компьютер жиноятларига оид жиноий қонунларни уйғунлаштириш турли хил муаммоларни олдини олишда кўмаклашади.

1979 йил 11-13 декабрь кунларида Парижда Интерполнинг Халқаро фирибгарликка бағишлиланган учинчи симпозиумида компьютер фирибгарлиги бўйича биринчи тақдимот бўлиб, маъruzada: “турли мамлакатлар ўртасида телефонлар, сунъий йўлдошлар ва бошқалар орқали доимий равишда кенгайиб

---

<sup>158</sup> Staff Study of Computer Security in Federal Programs; Committee on Governmental Operations, the 95th Congress 1 Session, United States Senate, February. 1977.

<sup>159</sup> The History of Global Harmonization on Cybercrime Legislation - The Road to Geneva By Stein Schjolberg Chief Judge. December, 2008

бораётган алоқа туфайли компьютер жинояти халқаро характерга эга эканлиги таъкидланди<sup>160</sup>.

Иқтисодий таракқиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (OSED) томонидан 1982 йилда Парижда компьютер жиноятини ва Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш масаласи юзасидан муҳокама бўлиб ўтган. Ахборот, компьютер ва коммуникация сиёсати қўмитаси эксперtlари томонидан “компьютерлардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноий фаолиятнинг трансмиллий жиҳатларига кўра, улар халқаро ҳамкорликнинг мақсадга мувофиқлигини қайд этиши. Барча аъзо давлатлар ушбу соҳада биргаликда содир этилган хатти-ҳаракатлар миллий жиноят қонунчилигига қай даражада қамраб олиниши кераклиги ҳақида муҳокама қилишди. Бу актларни технологик нуқтаи назаридан эмас, балки имкон қадар функциялар билан ифодалаш лозим”<sup>161</sup>лиги ҳақида тавсия берилди. Аъзо мамлакатларнинг жиноий қонунчилиги учун умумий белги бўлиши мумкин бўлган актлар рўйхати таклиф қилинди. Рўйхатда компьютер фирибгарлиги, қалбакилаштириш, компьютер маълумотлари ва дастурларига зарар етказиш, ҳимояланган компьютер дастурининг ҳуқуқларини рухсатсиз бузиш ва компьютер тизимига рухсатсиз кириш ёки ушлашдан билан боғлиқ жиноят турлари келтирилган.

1999 йил 6-7 декабр кунлари Стенфорд университетида кибержиноят ва терроризмга қарши қурашишдаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш зарурати ва усуллари мавзусида Гувер институти, Стенфорд университетининг Ахборот хавфсизлиги ва сиёсати бўйича тадқиқот консорсиуми (CRISP) ва Халқаро хавфсизлик ва ҳамкорлик маркази (CISAC)<sup>162</sup> ҳомийлигидаги конференция бўлиб ўтган. Конференция якунида кибержиноят ва терроризмга қарши қурашиш борасида қатор тавсиф ва таклифлар берилган

---

<sup>160</sup> INTERPOL, 1979. Third INTERPOL Symposium on International Fraud, Paris 11-13 December 1979.

<sup>161</sup> Computer-related criminality: Analysis of Legal Politics in the OECD Area. 1986.

<sup>162</sup> <https://cisac.fsi.stanford.edu>

бўлиб, булар келгусида Кибержиноят тўғрисидаги конвенция ишлаб чиқишидаги асосий қўлланмалардан бир бўлиб хизмат қиласди.

Европада компьютер жинояти бўйича биринчи академик тадқиқот 1977 йилда Германияда профессор Улрич Сибер томонидан ўтказилган<sup>163</sup>. Анча йиллардан бери дунёнинг кўпгина давлатлари томонидан кибержиноятчиликка оид қатор илмий конференциялар ўтказилган бўлиб, улар томонидан миллий қонунчилик ва минтақавий йўриқномаларини ишлаб чиқиши борасидаги ўз тавсияларини, ғояларини тақдим этишган.

Киберфирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш кераклигини тавсия этувчи “Кибержиноят тўғрисида”ги Конференция Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар бўйича биринчи халқаро шартнома бўлиб, хусусан муаллифлик хуқуқининг бузилиши, болалар порнографияси ва тармоқ хавфсизлигини бузиш билан боғлик бўлган бошқа жиноятлар юзасидан ҳам тавсия этилган<sup>164</sup>.

Давлатлар томонидан киберфирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик АҚШда биринчи бўлиб белгиланган. 1986 йилдаги “Компьютер фирибгарлиги ва суистеъмоллик қонуни (Computer Fraud and Abuse Act of 1986 (CFAA)) Америка Кўшма Штатларининг киберхавфсизлик қонун лойиҳаси бўлиб, 1986 йилда мавжуд компьютер фирибгарлиги тўғрисидаги қонунга ( 18 УСС § 1030 ) тузатиш сифатида қабул қилинган ва 1984 йилдаги Комплекс жиноят назорати тўғрисидаги қонунга киритилган эди. Қонун компьютерга рухсатсиз ёки рухсатсиз киришни тақиқлаган<sup>165</sup>. Компьютерга оид жиноий қонунлар пайдо бўлгунга қадар компьютер жиноятлари почта ва электрон фирибгарлик сифатида жиноий жавобгарликка тортилган, аммо амалдаги қонун қўпинча етарли бўлмаган<sup>166</sup>.

<sup>163</sup> Ulrich Sieber: Computercriminalitat und strafrecht, Carl Heymanns Verlag KG. 1977.

<sup>164</sup> <https://www.coe.int/ru/web/impact-convention-human-rights/convention-on-cybercrime>

<sup>165</sup> Jarrett, H. Marshall; Bailie, Michael W. (2010). "Prosecution of Computer" (PDF). justice.gov. Office of Legal Education Executive Office for United States Attorneys. Retrieved June 3, 2013.

<sup>166</sup> "Who's Responsible? - Computer Crime Laws | Hackers | FRONTLINE | PBS". www.pbs.org. Retrieved 2021-11-13.

Буюк Британияда 1990 йил “Компьютердан нотўғри фойдаланиш” Акти<sup>167</sup>; Германия Федерациясида 2003 йил 22 декабрдаги 35-сонли “Жиноий тузатишлар тўғрисида”ги қонун<sup>168</sup>; Жанубий Корея Республикасида 2001 йил 29 декабрдаги 6543-сон Қонун<sup>169</sup>лари билан киберфирибгарлик жиноятига жиноий жавобгарлик белгиланган. Худди шунингдек, бошқа давлатларда ҳам киберфирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик секин-секинлик билан Жиноят кодексига киритилган.

Қуйида киберфирибгарлик жиноятига оид бир неча мисолларни кўриб чиқамиз.

Оммавий ахборот воситаларида биринчи шов-шувли жиноят деб ёритилган компьютер фирибгарлиги, Ленинград технология институти битиравчisi, хаваскор Владимир Левин номи билан боғлиқ. 1994 йилда Петербурглик, 27 ёшли микробиолог Владимир Левин Нью-Йорқда жойлашган мураккаб хавфсизлик тизимли банклардан бири Ситибанкнинг компьютер тармоғига кириб, банк мижозларининг ҳисоб рақамларидаги пул суммаларини дунёning турли давлатларидағи ҳисоб рақамларига 12 миллион миқдоридаги пул суммасини ўтказган. Мижозлардан кўплаб шикоятлар келиб туша бошлагандан сўнг, бу ишга АҚШнинг Федерал қидирув бюроси ишга кўшилди. Маблағларнинг бир қисми ҳақ эвазига ёлланган курерлар ёрдамида нақдлаштирилган, уларнинг кейинги тақдири номаълум. Россия Ички ишлар вазирилиги кўмагида жиноят компьютер фирмаси “Сатурн СПб” биносида ишловчи кичик ходим томонидан содир этилганлиги аниқланган. Бироқ, Левинни Россия ҳудудида ҳибсга олишнинг иложи йўқ эди, чунки ўша пайтда Россия Федерацииси Жиноят кодексида компьютер жиноятлари тўғрисидаги моддалар ҳали мавжуд бўлмаганлиги сабабли, қонунчилик кўра у бутунлай

<sup>167</sup> What is the Computer Misuse Act? <https://www.itpro.co.uk/it-legislation/28174>

<sup>168</sup> П.В. Головненков. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Universitätsverlag Potsdam. 2021. С. 369. <http://verlag.ub.uni-potsdam.de>

<sup>169</sup> Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодекси. [https://elaw.klri.re.kr/eng\\_service/lawView](https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView).

айбсиз эди<sup>170</sup>. Хакерни ҳибсга олиш учун разведкачилар уни чет элга жалб қилишга қарор қилишди. Бунинг учун психологик таъсир қилишни бошлишди. Улар ҳибсга олинган шерикларини телефон орқали Левин қўлга олиниши хақида хабарлар билан қўнғироқ қилишга мажбур қилишди ва уларнинг россиялик ҳамкаслари ака-укаларини Владимирга қарши қўйиб, даромадларини бўлишишни талаб қилишди. Бундай босимга дош беролмай, Левин Буюк Британияга онасининг дўстининг уйига боришга қарор қилди. Бу унга қўйилган тузоқ бўлиб, уни Станстед аэропортида 1995 йил 3 марта куни қўлга олишди<sup>171</sup>.

Левиннинг адвокатлари АҚШга экстрадиция қилинишига қарши курашди, аммо 1997 йил июнт ойида уларнинг апелляцияси Лордлар палатаси томонидан рад этилди. Левин 1997 йил сентябрида АҚШ ҳибсхонасига топширилди ва АҚШнинг Нью-Йоркнинг жанубий округи судида суд қилинди. Ўзининг айбини тан олиш тўғрисидаги келишувда у фирибгарлик ва 3,7 миллион АҚШ долларини талон-торож қилиш мақсадида фақат бир марта қонунбузарлик содир этганлигини тан олди. 1998 йил февраль ойида у айбордор деб топилди ва уч йиллик қамоқ жазоси ва 240 015 АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлаш тўғрисидаги хукм чиқарилди. Ситибанқдан талон-торож қилинган 10,7 миллион долларнинг 400 минг долларидан ташқари ҳаммаси қайтариб олинган<sup>172</sup>. Ушбу жиноятни киберфирибгарлик сифатида баҳоланганд бўлсада, Левин банкнинг хавфсизлик тизимиға заарли дастурларни жойлаштирганлиги тергов жараёнларида аниқланмаган<sup>173</sup>.

Собиқ компьютер хавфсизлиги маслаҳатчиси Макс Бутлер 2 миллионга яқин кредит рақамларидан фойдаланиб, 86 миллион долларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Бутлер бир неча йил давом этган жиноятлар учун бир

---

<sup>170</sup> <https://www.tadviser.ru/index>.

<sup>171</sup> <https://habr.com/ru/company/maccloud/blog/552866>.

<sup>172</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Vladimir\\_Levin](https://en.wikipedia.org/wiki/Vladimir_Levin)

<sup>173</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Max\\_Butler#cite\\_note-19](https://en.wikipedia.org/wiki/Max_Butler#cite_note-19)

неча бор судланган. У 1998 йилда АҚШнинг Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа ҳукумат веб-сайтларини бузган ва 2001 йилда 18 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 2003 йилда озодликка чиққач, Сан-Францисколик Крис Аргон билан аноним тарзда Wi-Fi орқали ҳужумлар уюштириб, зарарли дастурларни дастурлаш ва бошқалардан фойдаланган ҳолда кредит карта маълумотларини ўзлаштириб, банкоматлардан карталардаги барча пулларни нақд пул қилган. 2007 йилда у хибсга олинди ва охир-оқибат фирибгарлик, миллионлаб кредит карта рақамлардан фойдаланиш ва 86 миллион долларга яқин фирибгарлик харидларини амалга оширишда айбли деб топилган.

Роман Селезнев 2009 йилдан 2013 йилгача АҚШдаги 500 дан ортиқ бизнес ва 3700 молия институти хавфсизлик тизими бузиб кирилиб, карта маълумотларини ўғирлаган ва кейин уларни фирибгарлик транзакцияларни амалга ошириш учун онлайн сотган. У бу ҳаракатидан миллион доллар ишлаб топгани айтилади. Зарар қўрган корхоналарнинг деярли кўпчилиги кичик фирмалар бўлиб, уларнинг баъзилари банкротликка учраган. Суд муҳокамасида прокурор ўзи нутқида: “Индонезиянинг Бали ороллари ёки Владивостокда клавиатура ёнида ўтириб, Селезнев ва унинг шериклари бутун дунё бўйлаб минглаб компьютерларни, жумладан Вашингтоннинг Ғарбий окруидаги кўплаб кичик бизнес тизимларини бузиб киришди. Селезнев ушбу компьютерлардан миллионлаб кредит карта рақамларини ўғирлаган, сўнгра уларн фирибгарлик операцияларида фойдаланиш учун бошқа жиноятчилага сотган”<sup>174</sup>. Суд муҳокамасида айбланувчи томонидан кредит карта рақамлари хақидаги маълумотлар иккита автоматлаштирилган савдо нуқталари орқали сотилганлиги қайд этилган. Худди шунингдек, у жиноятчиларга рақамлардан қандай қилиб фирибгарлик йўлида фойдаланиш бўйича тавсиялар берган. Роман Селезнев 38 та айлов, жумладан, хакерлик ва фирибгарлиги учун айблангандан<sup>175</sup>.

---

<sup>174</sup> <https://www.bbc.com/russian/features-39676891>.

<sup>175</sup> <https://blog.tmb.co.uk/cyber-criminals>.

Компьютер фирибгарлигига оид яна бир схема “Мелисса вируси” дебномланади. Мелисса вируси 1999 йил 26 марта минглаб почта тизимларида пайдо бўлди. Хабар қабул қилувчиларнинг ҳамкасби ёки дўстлари номидан юборилганлиги хатда келтирилган<sup>176</sup>. Вирус фойдаланувчиларнинг Microsoft Outlook манзили китобидаги биринчи 50 та электрон почта манзилларига йўналтирилган ва ҳар сафар заарланган компьютер яна бошқа бир 50 та қўшимча компьютерни заарлаган. Вирус тез тарқалди, бу эса жамоат коммуникациялари ва хизматларининг сезиларли даражада узилиши, сустлашиши ва ёмонлашишига олиб келди. Кўпгина тизим маъмурият ходимларилари ўзларининг компьютерларини Интернетдан узиб қўйишларига тўғри келди. Microsoft, Intel ва шу каби бошқа компаниялар вирус яратган электрон почта хабарларининг кўплиги сабабли электрон почта шлюз<sup>177</sup>ларини ёпишга мажбур бўлди.

Хукумат ва ҳукуқ-тартибот органларининг кўплаб бўлимлари томонидан олиб борилган текширувдан сўнг, “Мелисса вируси” Нью-Жерси штатида яшовчи, 32 ёшли компьютер дастурчиси Девид Л. Смитга тегишлилиги аниқланди. Ушбу жиноят компьютер фирибгарлиги сифатида баҳоланди ва вирусни яратганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди<sup>178</sup>. Унга нисбатан 20 ойлик федерал қамоқ ва 5000 доллар жарима жазоси белгиланди.

Киберфирибгарлик энг оммалашган кибержиноятлардан бири бўлиб қолмоқда, чунки тармоқ ва компьютер технологиялари жиноятчига жиноятчининг шахсини яшириш ва дастурий таъминотдан фойдаланиш имконини беради. Олдиндан тўлов фирибгарлик ва аукцион фирибгарлик XXI

---

<sup>176</sup>“Melissa Worm” www.avukati.org. Archived from the original on 2017-01-12. Retrieved 2016-06-15.

<sup>177</sup> Почта шлюзи – барча киравчи хатлар ўтадиган сервердир. Одатда, шлюз почтани олувчиларга етказилгунга қадар кандайdir тарзда қайта ишлади, масалан, архивлаш ёки спамн ифилтрлаш. Кейин у хатларни почта серверига узатади, бу эса уларни қабул қилувчиларга етказади.

<sup>178</sup>Johanna Granville “The Dangers of Cyber Crime and a Call for Proactive Solutions”, Australian Journal of Politics and History, vol. 49, no. 1. (Winter 2003), pp. 102-109.

аср бошларидаги энг кенг қўлланилган киберфирибгарлик схемаси хисобланилади.

Халқаро даражадаги Конвенцияларда киберфирибгарлик жинояти учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланиши кераклиги тавсия қилинади. Дунёнинг ривожланган давлатларининг Жиноят кодексида киберфирибгарлик учун алоҳида жиноий жавогарлик белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон, Қозоғистон Респуббуликаларида киберфирибгарлик жинояти учун анъанавий фирибгарлик жинояти тарбida унинг содир этилишининг бир усули сифатида жиноий жавобгарлик беглиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш киритган ҳолда, киберфирибгарлик жинояти учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланаши кераклигини таклиф қиласиз.

### **3.2-§. Киберфирибгарликка оид ҳуқуқий асосларини таомиллаштириш**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришни олдига мақсад қилиб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тарибига солиш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда”<sup>179</sup>.

Бугунги кунга келиб дунёда ахборот-коммуникациялар ва технологияларининг ривожланиши ахборотларнинг жуда тезлик билан тарқалиши, қайта ишлов берилиши, ўчирилиши ва янгиланиши мумкин. Давлатимиз ўз олдига қўйган мақсадига эришиши учун ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараёнинг ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида аҳамият қаратиши лозим.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган компьютер жиноятларини олдини олиш мақсадида 2007 йил 25 декабрь куни “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ўша пайт амалда бўлган Жиноят кодексида “Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” деб номланган 174-модда чиқариб ташланиб, “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” номли алоҳида XX<sup>1</sup> боб киритилди. Ушбу бобга 6 турдаги жиноят киритилган.

И.Рустамбаевнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид берган тушунтиришларини таҳлил қиласиган бўлсак, ушбу турдаги жиноятларининг объектлари асосий ва қўшимча бевосита объектларига бўлиб

---

<sup>179</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гаровидир: Тошкент – Ўзбекистон – 2017. Б.34.

ўрганилган. Бу тоифа жиноятларининг асосий бевосита объекти бир бирдан фарқ қиласди:

1-тоифа: компьютер ахбороти хавфсизлигини (компьютер ахборотининг дахлсизлигини), шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш тартибини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар (Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш - ЖКнинг 278<sup>1</sup>-моддаси);

2-тоифа: компьютер ахбороти хавфсизлигини ва ЭҲМ, уларнинг тизимлари ёки тармоғи нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар (Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (руҳсатсиз) фойдаланиш – ЖКнинг 278<sup>2</sup>-моддаси, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равища (руҳсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш – ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддаси, компьютер ахборотини модификациялаштириш – ЖКнинг 278<sup>4</sup>-моддаси ва зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш – ЖКнинг 278<sup>6</sup>-моддаси);

3-тоифа: компьютер ахбороти ёки дастурларнинг, шунингдек, компьютер ускунасининг бутлигини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар (Компьютер саботажи – ЖКнинг 278<sup>5</sup>-моддаси)<sup>180</sup>.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг қўшимча бевосита обьекти деярли бир хил, яъни фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатларини ёхуд давлат ва жамоат манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар киради<sup>181</sup>.

---

<sup>180</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 250-294 бет.

<sup>181</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 250-294 бет.

Р.Н.Рўзиев ва Н.С.Салаев ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг объектив томони қўйидагилар билан изоҳлашади:

1) 278<sup>1</sup>-моддада назарда тутилган жиноят бўйича: белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш. Ушу қилмиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса жиноят ҳисоланади;

2) 278<sup>2</sup>-моддада назарда тутилган жиноят бўйича: компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки унинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш;

3) 278<sup>3</sup>-моддада назарда тутилган жиноят бўйича: ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини қўзлаб тайёрлаш ёхд ўтказиш ва тарқатиш;

4) 278<sup>4</sup>-моддада назарда тутилган жиноят бўйича: компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равища ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек, била тариб унга ёлғон ахборотни киритиш. Ушбу қилмиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд зиён етказилишига сабаб бўлса жиноят ҳисобланади;

5) 278<sup>5</sup>-моддада назарда туртилган жиноят бўйича: ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер

ускунасини қасдан ишдан чиқариш; компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи);

6) 278<sup>6</sup>-моддада назарда тутилган жиноят бўйича: компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга қиритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартеришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасдан фойдаланиш ёки уларни қасдан тарқатиш<sup>182</sup>.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлардан биронтаси содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади, яъни маълум микдордаги зарар етказилиши шаклидаги оқибатларнинг мавжуд бўлиши ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ёки рухсати бўлмаган ҳолда, маълумотларни қасдан ўзгартериш, шикаст етказиш, ўчириш, олиб ташлаш, ёлғон маълумот киритиш ёки йўқ қилиб юбориш ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган деб топилади<sup>183</sup>.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг субъектив томонини таҳлил қилиш бироз мушкулликни келтириб чиқариши боис уни ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ЖК 278<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони қўйидагилар билан ифодаланади:

- қасдан, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини анлаган, бунинг натижасида фойдаланувчига анча микдорда зарар етказилиши мумкинлиги ёки муораккаблигига қўзи етган, бу оқибатларнинг юз беришини истаган (тўғри қасд) ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган (эгри қасд) бўлса;

<sup>182</sup> Уголовное право России. Общая и особенная части. Учебник для высших учебных заведений / Под. общ. ред. д.ю.н., проф. И.Г.Кадникова. – М.: Книжный мир, 2007. С.662.

<sup>183</sup> Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 57-бет.

- эҳтиётсизлик орқасидан, башарти шахс ахбортлаштириш қоидаларини бузаётганлигини англайди, ўз хулқ-автори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етган, лекин эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равища риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равища умид қилган (ўз-ўзига ишониш) ёки ўз хулқ-автори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлган (жиноий бепарволик) бўлса;

мураккабайб билан, башарти жиноий қилмиш, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузишга нисбатан қасд, қонунда назарда тутилган қўнгилсиз оқибатларга нисбатан эса, эҳтиётсизлик мавжуд бўлса<sup>184</sup>.

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятининг субъектив томондан қасдан, яъни тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Айбдор компьютер ахборотидан бу ахборот мулкдори (эгаси)нинг рухсатисиз ёки рухсат билан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузиб фойдаланаётганини англайди, ўз ҳаракатлари натижасида қонунда белгиланган ижтимиий хавфли оқибатлар юз беришига онгли равища йўл қўяди. Эҳтиётсизлик айни ҳолда шахс компьютер тизимида сакланаётган ахбортдан фойдаланишнинг қонунийлигига берган баҳосида, шунингдек, унинг мазкур ҳаракатлар натижасида юз берган ижтимиий хавфли оқибатларга бўлган муносабатидан намоён бўлиши мумкин<sup>185</sup>.

Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус воситаларни ўtkазиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўtkазиш ва тарқатиш жиноятининг

<sup>184</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 261 бет.

<sup>185</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 270 бет.

субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзи маҳсус воситаларни компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун уларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаётганини англайди ёки мазкур воситаларни ўтказаётгани ёки тарқатаётганини англайди ва шундай қилишни истайди. Ҳимоялангихан компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурий ёки аппарат воситалари тайёрланганда мақсад – кўрсатилган дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш ҳам аниқланиши лозим<sup>186</sup>.

ЖК 278<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томондан қасддан (тўғри ёки эгри қасд билан), эҳтиётсизлик орқасида ёки мураккаб айбли жиноят тарзида содир этилиши мумкин. Қилмишнинг квалификация қилишда унинг мотиви ва мақсади иккинчи даражали аҳамият касб этади<sup>187</sup>.

Компьютер саботажи жиноятининг субъектив томондан мазкур жиноят тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор компьютер ускунасини ишдан чиқариш ёхуд компьютер тизимини бузишга қаратилган ҳаракатларни бажараётганини англайди ва буни истайди<sup>188</sup>.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Шахс ўзи яратоётган дастурнинг заарар келтирувчи хоссаларини олдиндан билади, мавжуд дастурларга бундай ўзгартиришларни онгли равища киритади, маҳсус вирус дастурларини ишлаб чиқади, улардан фойдаланади ёки тарқатади ва буни истайди. Кўрсатилган ҳаракатларни айбдор ЖК 278<sup>6</sup>-моддаси диспозициясида белгиланган мақсад – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб

<sup>186</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 279 бет.

<sup>187</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 282 бет.

<sup>188</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 5. Маҳсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 284 бет.

юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиши кўзлаб амалга оширади. Бу жиноятнинг мотиви қилмишни квалификация қилиш учун иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган жиноятларни содир этиш мақсади ва мотиви жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмасдир. лекин айбдорга одилона жазо тайинлаш чоғида ҳисобга олиниши мумкин<sup>189</sup>.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг субъекти 16 ёшли ақли расо жисмоний шахслардир. Қонун бу шахс компьютер технологиялари соҳасида мутахассис бўлиши ёки муайян фаолият билан шуғулланишини талаб қилмайди, муҳими унинг ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланаётганлиги талаб этилади<sup>190</sup>.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг предметлари куйидагилар:

1) ЖКнинг 278<sup>1</sup>-моддасидаги жиноятнинг предмети – ахборот тизимлари, маълумотлар базаси ва банклар, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш эса, алоҳида файл, дастур, маълумотлар базаси жамланган, интеллектуал мулк объекти сифатида қонун билан кўриқланадиган компьютер ахбороти.

2) ЖКнинг 278<sup>3</sup>-моддасидаги жиноятнинг предмети – ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастарий ёки аппарат воситалари<sup>191</sup>.

<sup>189</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 270 бет.

<sup>190</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 262 бет.

<sup>191</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 272 бет.

3) ЖКнинг 278<sup>5</sup>-моддасида ўзганинг компьютер ускунаси ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунаси, шунингдек, компьютер тизими жиноят предмети ҳисобланади.

4) ЖКнинг 278<sup>2</sup>-моддасидаги жиноятнинг предмети – заар қелтирувчи компьютер дастурлари, ушнингдек, маҳсус вирус дастурлари<sup>192</sup>.

“Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” бобига киравчи жиноят турларининг бевосита обьекти клмпьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир. Қўшимча обьект сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин бўлса, киберфирибгарлик жиноятларида бевосита обьект ўзгаларнинг мол-мулки билан боғлиқ ижтимоий муносабатлари ҳисобланади. Қўшимча обьекти компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир.

Киберфирибгарликнинг обьектив томондан ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашига халақит берган ҳолда, компьютер ахборотини ўзgartириш, ўчириш, блокировка қилиш, модификациялаш ёки янги ахборотни киритиш йўли билан ўз ёки учинчи шахс учун моддий фойда олиш мақсадида алдаш ёки ишончиини суиистеъмол қилиш йўли билан моддий зарар етказиш ҳисобланади. “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”га киравчи жиноятларда белгиланган ҳимоя чораларини қўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар баҳалари ва банк-ларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар

---

<sup>192</sup> Рустамбаев М.Х.Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 5. Маҳсус кисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 284 бет.

ёхуд жиддий зиён етказилиши; ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модифи-кациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машина-лари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари иши-нинг бузилишига сабаб бўлган компьютер ахбороти-дан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш; ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини қўзлаб тайёрлаш ёки ўтказиш ва тарқатиш; фуқароларнинг хуқуқ-ларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равища ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек, била туриб унга ёлгон ахборотни киритиш; ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини ишдан чиқариш, шунингдек, компьютер тизимини бузиш билан боғлиқ ҳаракатлар ёрдамида жиноят содир этилади.

Субъектив томондан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”да жиноятчининг ўзининг хатти-ҳаракатларни англаган ҳолда ёки эҳтиётсизлик орқали содир этади. Киберфирибагарлик жиноятида эса фирибагар ўзининг хатти-ҳаракатларни англаган ҳолда шу ҳаракатни қиласида.

Ҳар иккала жиноят турининг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиб, улар бошқа тоифа жиноятчиларидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, “Ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятлар” ва киберфирибагарлик жинояти билан обьект, обьектив томон ва қисман субъектив томондан фарқ қиласа, жиноят субъект бир хил ёш ва хусусиятга эга бўлади.

## Хуроса

«Ахборот-коммуникация технологиялар соҳасида содир этиладиган фирибгарлик жиноятларининг криминология жиатлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хуросаларга келинди:

### **I. Жиноят ҳуқуқи назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:**

#### **1.1. киберфирибгарлик жиноятини тарихий ривожланиши бўйича икки турга ажратиш:**

- анъанавий равишда мавжуд бўлган фирибгарлик жиноятининг ахборот-коммуникация технологияларни ривожланиши натижасида компьютер ёрдамида содир этилиши : Нигерия хати мисолида;

- ахборот-коммуникация ривожланиши билан пайдо бўлган киберфирибгарлик жиноятлари: фишинг, вишинг, фарминг, онлайн аукцион фирибгарлиги ва бошқалар.

#### **1.2. Киберфирибгарлик тушунчасига ўз муаллифлик таърифини бериш:**

“Киберфирибгарлик - ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида компьютерга маълумотларини киритиш, ўзгартириш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки компьютер тизимининг ишлашига хар қандай араласиши орқали бошқа шахсга интернет тармоқлари орқали жабрланувчиларни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш натижасида мулкий зарар етказиш”.

#### **1.3. Киберфирибгарлик жиноятининг криминологик жиҳатлари:**

**Жиноят бевосита обьекти** – ўзгаларнинг мол-мулки билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар. Қўшимча обьект – компьютер ахбороти ҳамда ЭҲМ,

унинг тизими ва тармоғининг нормал фаолият юритиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

**Жиноятнинг объектив томони** – ЭҲМ, унинг тизими ва тармоғида мавжуд бўлган компьютер ахборотини ўчириш, ўзгартириш, блоктровка қилиш, модификациялаш ёки ёлғон ахборот киритиш йўли билан ўзи ва учинчи шахс учун моддий фойда олиш учун шахсни алдаш ёки ишончини суиитеъмол қилиш.

**Жиноят субъект** – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. Ушбу фирибгарлик жиноятини содир этувчи фирибгар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида маълум даражада илмий, амалий қўникмага эга бўлган шахс ҳисобланади. Унинг ушбу хусусияти давлат, жамият ва шахсларга оид ахборотнинг хавфсизлиги учун таҳдид бўлиб, унинг алоҳида тартибда оғирроқ тартибдаги жиноий жавобгарликка тортилиши кераклигини кўрсатади.

**Жиноят субъектив томони** – фирибгар ўзининг хатти-ҳаракатлари билан компьютер ахбороти билан боғлиқ ижтимоий муносабатга зарар етказаётганлигини анлаган ҳолда ушбу ҳаракатни содир этади. Жиноят мотиви ўзининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг билимдони эканлигини кўрсатиш бўлса, мақсади моддий фойда олиш.

Фирибгар ўзганинг мулкини қўлга киритиб уни ихтиёрий равишда тасарруф эта олиш имконияти пайдо бўлгандан бошлаб **жиноят тамомланган ҳисобаланади**.

Киберфирибгарлик жинояти кибормаконда содир этилганлиги боис унинг содир этилиш худуди ва вақтини аниқлаш имконияти йўқ.

## **II. Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

Жиноят кодексининг **168<sup>1</sup>**- ҳамда **168<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдириш таклиф қилинади:

## **168<sup>1</sup>-модда. Киберфирибгарлик**

“Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида ахборот тизими, ахборот-коммуникация хамда технологиялардан фойдаланиб маълумотларини киритиш, ўзгартериш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушбу тизимларининг ишлашига ҳар қандай араласиши орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

- а) анча миқдорда;
- б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириттириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

- а) кўп миқдорда;
- б) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

- а) жуда кўп миқдорда;

- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3) 163<sup>2</sup>-модда қўйидаги мазмун модда билан тўлдирилсин:

**168<sup>2</sup>-модда. Электрон тўлов воситалардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик**

Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида электрон тўлов воситалари ёки сохта электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумотларини киритиш, ўзгартириш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушб воситаларнинг ишлашига ҳар қандай араласиши орқали шахсни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) анча миқдорда;
- б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириткириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) кўп миқдорда;

- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **III. Суд амалиётини яхшилаш ҳамда компьютер ёрдамида содир этиладиган фирибгарликни олдини олиш бўйича тавсиялар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг **19-бандини куйидаги таҳрирда баён этиш** таклиф этилди: «Судларга тушунтирилсинки, ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида ахборот тизими, ахборот-коммуникация ҳамда технологиялардан фойдаланиб маълумотларини киритиш, ўзгартириш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушбу тизимларининг ишлашига ҳар қандай араласиши орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш ҳаракати ЖКнинг 168<sup>1</sup>-модда билан квалификация қилинсин. Агар фирибгар томонидан дастлаб жабрланувчининг шахсий ва

молиявий ахбороти олиб кейин унинг банк картасидан пул маблағлари ечиб олинса, ЖКнинг 1682-модда билан квалификация қилинсин.

#### **IV. киберфирибгарлик жабрланувчилари мурожаат этиши мумкин бўлган маҳсус дарчани яратиш.**

Киберфирибгарлик жиноятни таҳлил қилиб борилиши, яъни фирибгарлар томонидан қайси шаклдаги схемалардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик жиноятини содир этилаётганлигини аниқлаш мақсадида Киберхавфсизлик маркази ДУК платформасида алоҳида киберфирибгарлик курбонлари мурожаат қилиши мумкин бўлган онлайн шикоятлар дарчасини ажратиш мақсадга мувофик.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси  
<http://lex.uz/uz/docs/111453>
- 1.2. Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодекси. <https://elaw.klri.re.kr>
- 1.3 Туркманистон Республикаси Жиноят кодекси (<http://www.untuk.org>)
- 1.4. Белорусия Республикаси Жиноят кодекси  
 (https://kodeksy-by.com)
- 1.5. Козогистон Республикаси Жиноят кодекси <https://online.zakon.kz>
- 1.6. Украина Республикаси Жиноят кодекси (<https://meget.kiev.ua>)
- 1.7. Эстония Республикаси Жиноят кодекси (<https://www.riigiteataja.ee>)
- 1.9. Япония Жиноят кодекси (<https://www.cas.go.jp>)
- 1.10. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”  
 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни, 3-модда 3-қисми // Ўзбекистон  
 Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 6-сон, 67-модда

### **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:**

- 2.1. Daniel Jordan Smith “The Pentecostal Prosperity Gospel in Nigeria: Paradoxes of Corruption and Inequality.” Journal of Modern African Studies 59(1):103-122. 2021.
- 2.2. "An old swindle revived; The "Spanish Prisoner" and Buried Treasure Bait Again Being Offered to Unwary Americans". The New York Times. 20 March 1898. p. 12. Retrieved 2010-07-01.
- 2.3. Mikkelsen, David (February 1, 2010). "Nigerian Scam". Snopes. Retrieved June 22, 2012.

2.4. Harris, Misty (June 21, 2012). "Nigerian email scams royally obvious for good reason, study says". The Province. Archived from the original on January 4, 2019. Retrieved January 4, 2019 – via Canada.com.

2.5. Lohr, Steve (May 21, 1992). "Nigerian Scam' Lures Companies". The New York Times. Retrieved June 22, 2012.

2.6. "International Financial Scams". United States Department of State, Bureau of Consular Affairs. Retrieved 2015. p. 01-12.

2.7. "The Nigerian Prince: Old Scam, New Twist". Better Business Bureau. Retrieved February 26, 2015.

2.8. "Get smart on cybersecurity". Mozilla. Retrieved. 2016-02-09.

2.9. Rosenberg, Eric (March 31, 2007). "U.S. Internet fraud at all-time high". San Francisco Chronicle. Retrieved June 22, 2012.

2.10. Antonio San Martino and Xavier Perramon. Phishing Secrets: History, Effects, and Countermeasures. International Journal of Network Security, Vol.11, No.3, PP.163–171, Nov. 2010

2.12. Johanna Granville "The Dangers of Cyber Crime and a Call for Proactive Solutions", Australian Journal of Politics and History, vol. 49, no. 1. (Winter 2003), pp. 102-109.

2.13. INTERPOL, 1979. Third INTERPOL Symposium on International Fraud, Paris 11-13 December 1979.

2.14. Staff Study of Computer Security in Federal Programs; Committee on Governmental Operations, the 95th Congress 1 Session, United States Senate, February. 1977.

2.15. Zahed YOSEFI1, Ahmad AHMADI. Investigating Computer Fraud in Criminal Justice System of Iran. Cumhuriyet University Faculty of Science Science Journal (CSJ), Vol. 36, No: 3 Special Issue (2015) ISSN: 1300-1949. p.2.

2.16. А.Старostenко. Закономерности становления и развития кибермошенничества в России и за рубежом // Вестник Уральского юридического института МВД России – 2011. - №1. – С.142.

2.17. Мусаев Г.Ф. Киберпреступность – и проблемы расследования киберпреступлений. Актуальные вопросы, возникающие при производстве предварительного расследования. // Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и расследовании трансграничных киберпреступлений. Пособие по результатам регионального семинара для практиков уголовного правосудия центральной Азии. Ташкент. 2020. С. 36.

2.18. Малахов А.С. Некоторые особенности раскрытия и расследования мошенничества в сети Интернет / А.С. Малахов, А.С. Дубинин // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. — 2013. — № 9. — С. 187–190.

2.19. Ермоленко Д.А. Криминалистическая характеристика мошенничества в сфере компьютерной информации // Юридические науки. 2015.

2.20. Елин.В.М. Мошенничество в сфере компьютерной информации как новый состав преступления // БИЗНЕС-ИНФОРМАТИКА №2(24)–2013.

2.21.Вехов В.Б. Основы криминалистического учения об исследовании и использовании компьютерной информации и сведений. Волгоград, 2008.

2.22. Дударчик Я.Ю. Анализ взглядов на криминалистическую характеристику преступлений // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. 2017. № 2 (34). С. 45-48.

2.23. Старичков М.В. Способ совершения как элемент криминалистической характеристики мошенничества в сфере компьютерной информации // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2018. № 4 (8). С. 177-179.

2.24. Ермоленко Д.А. Криминалистическая характеристика мошенничества в сфере компьютерной информации // Юридические науки. 2015.

2.25. Грибунов О.П. Теоретические основы и прикладные аспекты раскрытия, расследования и предупреждения преступлений против собственности, совершаемых на транспорте: монография. Иркутск, 2016

2.26. Скребцова Т.В., Гришанова С.В. Финансовые мошенничества в банковской сфере // Финансы, денежное обращение и кредит. 2020. №5. С. 48.

2.27. Скребцова Т.В., Гришанова С.В. Финансовые мошенничества в банковской сфере // Финансы, денежное обращение и кредит. 2020. №5. С.49.

2.28. Асанова И.П. Актуальные вопросы борьбы с масштабами роста кибермошенничества // Вестник Российского университета кооперации. 2021. № 4(46). С. 120-123.

2.29. Радевич В.В.Этапы и виды манипуляции как коммуникативной стратегии в неискреннем дискурсе на материале жанра «нигерийские письма» // Вестник КемГУ. 2012 № 4 (52) т. 4 . С.119.

2.30. Fred I. Mugivane. Introduction to computer. University of Nairobi college of agriculture and veterinary sciences. p.2.

2.31. Vermaat, Misty E. Microsoft Office 2013 Introductory. Cengage Learning, p.173. 2014

2.32. Улугбеков А.Б. Интернет фиригарлигига оид жиноятлар ва уларга қарши курашиш // Academic research in educational sciences Volume 2. ISSUE 7. 2021

2.33. Сабырбаева А.Б. Пути укрепления международного сотрудничества в борьбе с кибермошенничеством // Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и расследовании трансграничных киберпреступлений. Пособие по результатам регионального

семинара для практиков уголовного правосудия центральной Азии. Ташкент. 2020.

2.34. Михайленко И.А. К вопросу о способах мошенничества в сети интернет. // Вестник Томского государственного университета. 2010. № 337. С. 98-104.

2.35. Бородкина Т. Н. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия // Социально-политические науки. №1.2018. С 135-137.

2.36. Иванченко Р.Б., Малышев А.Н. Проблемы квалификации мошенничества в сфере компьютерной информации // Вестник Воронежского института МВД России. 2014. № 1. С. 194-200.

2.37. Бегишев И. Р. Ответственность за нарушение правил эксплуатации средств хранения, обработки или передачи компьютерной информации и информационно-телекоммуникационных сетей// Вестник УРФО. Безопасность в информационной среде.2012. № 1. С.15-18.

2.38. Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Тошкент: ТДЮУ, 2018.

2.39. Анорбоев А.У. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари. Монография. Т.: 2020.

2.40. Медведев С.С. Мошенничество в сфере высоких технологий: дис. ...канд. юрид. наук. Краснодар, 2008.

2.41. Жмыхов А.А. Компьютерная преступность за рубежом и ее предупреждение : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / А. А. Жмыхов. — М., 2003. — 178 с.

2.42. Расулов А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Автореф. дисс. ... кан. юрид. наук. – Ташкент, 2006. С.27.

2.43. Сабырбаева А.Б. Фиригарлик жиноятыни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати – Тошкент, 2021. – 14 бет.

2.44. Хафизова Л С Киберпреступления и кибермошенничество как современные формы преступности в условиях глобализации // Социально-правовые проблемы борьбы с преступностью в современной России Материалы итоговой научно-практической конференции КЮИ МВД России – Казань КЮИ МВД России, 2006 - С 66-68

2.45. Зыков Д.А. Виктимологические аспекты предупреждения компьютерного мошенничества: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Владимир, 2002. – С. 45–46.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:**

3.1. Батурин Ю.М. Проблемы компьютерного права. – М.: Юридическая литература, 1991 г. – с. 272.

3.2. Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: Юрлитинформ, 2001. – 496 с.

3.3. Сычев Ю.Н. Основы информационной безопасности Учебнопрактическое пособие. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2007. – 300 с.

3.4. Vidocq, Eugène François (1834). Memoirs of Vidocq: Principal Agent of the French Police until 1827. Baltimore, Maryland: E. L. Carey & A. Hart. p. 58.

3.5. П.В. Головненков. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона. Universitätsverlag Potsdam. 2021. С. 369.

3.6. Jarrett, H. Marshall; Bailie, Michael W. (2010). "Prosecution of Computer" (PDF). justice.gov. Office of Legal Education Executive Office for United States Attorneys. Retrieved June 3, 2013.

3.7. Ulrich Sieber: Computercriminalitat und strafrecht, Carl Heymanns Verlag KG. 1977.

3.8. The History of Global Harmonization on Cybercrime Legislation - The Road to Geneva By Stein Schjolberg Chief Judge. December, 2008

3.9. A Paper for the 12th Conference of Directors of Criminological Research Institutes: Criminological Aspects of Economic Crime, Strasbourg, 15-18 November 1976, page 225-229.

3.10. K.E. Brown: Toward an International Convention on Computer-related Crime. (1982).

3.11. Ugust Bequai: Computer Crime, Lexington Books, USA. 1978.

3.12. This manual was made for the National Criminal Justice Information and Statistics Service, by the Law Enforcement Assistance Administration LEAA. p. 45.

3.13. Computer Crime" (1976)Donn B.Parker

3.14. Understanding cybercrime: Phenomena, challenges and legal response September 2012.

3.15. Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.И.Парога. – 10-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 480-485.

3.16. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 2. Особенная часть. Разделы VII-VIII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019, - С. 159. – Серия: Профессиональные комментарии.

3.17. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят хукуқи курси 5 том. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 178.

3.18. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуқи курси. Том 1.Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 174 бет.

3.19. Уголовное право. В 2 т. Том 2. Особенная часть: учебник для академического бакалавриата А.В.Наумов (и др.); отв. Ред. А.В.Наумов, А.Г.Кибальник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С. 146.

3.20. Уголовное право. Общая часть. Учебник для вузов / Под ред. И.Я.Козаченко, З.А.Незнамовой. – М.,1997.

3.21. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под ред. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юристъ, 1999.

3.22. Уголовное право России. Часть Общая и Особенная: учебник / под ред. А.В.Бриллиантова. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – С. 495-501.

3.23. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный): в 2т. / А.В.Бриллиантов, Г.Д.Долженкова, Э.Н.Жевлаков (и др.); под ред. А.В.Бриллиантова. – 2-е изд. – Москва: Проспект, 2017. С. 599-606.

3.24. Computer Crime and Computer Fraud University of Maryland Department of Criminology and Criminal Justice Fall, 2004 Report to the Montgomery County Criminal Justice Coordinating Commission By Michael Kunz & Patrick Wilson. p. 49.

3.25. Криминалистика : курс лекций для бакалавров / под ред. М.К. Каминского, А.М. Каминского. — Ижевск : Jusest, 2012. — 358 с.

3.26. Lehman, Jeffrey; Phelps, Shirelle (2005). West's Encyclopedia of American Law, Vol. 3 (2 ed.). Detroit: Thomson/Gale. p. 137.

3.27. William Roberds; the impact off fraud on new methods of retail payment; Economic Review; Federal Reserve Bank of Atlanta; Atlanta; Vol. 83; Issuel; Page 42-52; First Quarter 1998.

#### **IV. фойдаланилган сайтлар**

4.1. [www.scamwatch.gov.au](http://www.scamwatch.gov.au)

4.2. [www.mvd.ru](http://www.mvd.ru)

4.3. [www.nycriminallawyer.com](http://www.nycriminallawyer.com)

4.4. [www.avukati.org.](http://www.avukati.org)

4.5. [www.tadviser.ru](http://www.tadviser.ru)

4.6. [www.habr.com](http://www.habr.com)

4.7. [www.en.wikipedia.org](http://www.en.wikipedia.org)

4.8. [www.en.wikipedia.org](http://www.en.wikipedia.org)

4.9. [www.bbc.com](http://www.bbc.com)

4.10. [www.blog.tmb.co.uk](http://www.blog.tmb.co.uk)

4.11. [www.itpro.co.uk](http://www.itpro.co.uk)

4.12. [www.pbs.org.](http://www.pbs.org)

4.13. [www.coe.int/ru](http://www.coe.int/ru)

4.14. [www.cisac.fsi.stanford.edu](http://www.cisac.fsi.stanford.edu)

- 4.15. www.securelist.ru
- 4.16. www.school2.68edu.ru
- 4.17. www.protectimus.com
- 4.18. www.anti-malware.ru
- 4.19. www.aic.gov.au
- 4.20. www.theguardian.com
- 4.21. www.actionfraud.police.uk
- 4.22. www.efficientip.com
- 4.23. www.cloudflare.com
- 4.24. www.forexmagnates.com.
- 4.25. www.encyclopedia.kaspersky.ru
- 4.26. www.dictionary.cambridge.org
- 4.27. www.imolin.org.
- 4.28. www.collinsdictionary.com

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОNUНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019

йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156-модда) қуидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 17-моддасининг иккинчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, **168<sup>1</sup>,168<sup>2</sup>**,169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.”;

2) 168<sup>1</sup>-модда қуидаги модда билан тўлдирилсин:

### **168<sup>1</sup>-модда. Киберфирибгарлик**

“Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида ахборот тизими, ахборот-коммуникация ҳамда технологиялардан фойдаланиб маълумотларини киритиш, ўзгартириш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушбу тизимларининг ишлашига ҳар қандай аралашиб орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Киберфирибгарлик:**

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3) 163<sup>2</sup>-модда қўйидаги мазмун модда билан тўлдирилсин:

**“168<sup>2</sup>-модда. Электрон тўлов воситалардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик**

Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида электрон тўлов воситалари ёки сохта электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумотларини киритиш, ўзгартириш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушб воситаларнинг ишлашига ҳар қандай аралашиб орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) анча миқдорда;
- б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноят:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини,

ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирилсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга қиради.

**“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасига**

**ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Таклиф этилаётган таҳрир</b>	<b>Асослантириш</b>
<b>17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги</b> .... (иккинчи қисми) Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар	<b>17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги</b> .... (иккинчи қисм) Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 137, 164 — 166, <b>168<sup>1</sup>,168<sup>2</sup></b> ,169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар	Мамлакатимизда киберфирибгарлик ёхуд ахборот технологиялар соҳасида қонунларни бузганлик учун жавобгарликка тортиш ёши 16 ёшни ташкил этади. Аммо бугунги кунда ушбу турдаги жиноятларни кичик ёшдаги шахслар томонидан содир этилиш холатларини учратиш мумкин. Бунинг кичик ёшларидан бошлаб болалар замонавий ахборот-коммуни-

		кация техноло-гиялар қуршовида ўсиб, улардан кенг фойдаланишлари, ўрта таълим мактабларида “Информатик” фани 5-синфдан бошлаб ўқитилиши ва пандемия даврида “онлайн” режимдаги янги таълим шаклнинг оммалашуви ва бошқа асосий сабаблари мавжуд.
<b>168-модда. Фирибгарлик</b>  Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хуқуқни қўлга киритиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч	<b>168<sup>1</sup>-модда. Киберфирибгарлик</b>  “Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида ахборот тизими, ахборот-коммуникация ҳамда технологиялардан фойдаланиб маълумот-ларини киритиш, ўзgartiriш ёки ўчириш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушбу тизимларининг ишлашига ҳар қандай аралашиб орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш	Жиноят кодексининг 168-модда-си 2-қисми “в” бандида “компьютер техникиси восита-ларидан фойдаланиб содир этилган” жиноятининг обьекти ўзгалар мол-мулки бўлиб, обьектив томонидан анъанавий фирибгарликдан фарқ қиласди. Ушбу фирибгарликда ахборот-коммуникация технологиялари

<p>йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билин жазоланади.</p>	<p>—</p> <p>энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>ва интернетдаги қулайликлар ёрдамида ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки тармоқдаги ахборотни ўзгартириш, ўчириш, янги ахборот киритиши, модификациялаш ёки блоклаш орқали ўзи ёки учинчи шахслар манфаатлари учун жабрланувчиларни алдаша ёки ишончларини суистетеъмол қилишади. Буни кибермаконда бўлган ҳолда дунёнинг исталган худудида ва вақтда содир этилиши мумкин. Жиноят субъект АҚТ соҳасида маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган шахсадир. Ундан ташқари, кибер- фирибгарлик жиноятини ахборот ҳамда мулкий муносабатларга</p>
<p>Фирибгарлик:</p> <p>а) анча миқдорда;</p> <p>б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;</p>	<p>Киберфирибгарлик:</p> <p>а) анча миқдорда;</p> <p>б) бир гурух шахслар томонидан олдиндан til birikтиrib sodir etilgan bўlsa, —</p>	
<p><b>в) компьютер техникиси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</b></p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Киберфирибгарлик:</p> <p>а) кўп миқдорда;</p> <p>б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p>	
<p>Фирибгарлик:</p> <p>а) кўп миқдорда;</p>		

<p>б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</p> <p><u>Олдинги</u> таҳрирга қаранг.</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Фирибгарлик:</p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p><u>Олдинги</u> таҳрирга қаранг.</p>	<p>в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Киберфирибгарлик:</p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки</p>	<p>оид ижтимоий муносабатларга хавф туғдиради.</p>
--	---	--

<p>базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.</p>	<p>йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	
	<p><b>168<sup>2</sup>-модда. Электрон тўлов воситалардан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик</b></p> <p>Ўзига ёки учинчи шахсларга моддий фойда олиш мақсадида электрон тўлов воситалари ёки сохта электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда маълумотларини киритиш, ўзgartириш ёки учираш, бундай маълумотларга киришни чеклаш ёки ушб воситаларнинг ишлашига</p>	<p>Электрон тўлов воситалардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятини содир этишда дастлаб фирибгарлар томонидан жабралнувчиларнинг молиявий, шахсий маълумотлари олиниб, кейин уларнинг молмулки талон-торож қилинади.</p> <p>Шу жихатлари билан киберфирибгарлик жиноятидан</p>

<p><b>Тўлдирилмоқда</b></p>	<p>хар қандай аралашиш орқали шахсни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу жиноят:</p> <p>а) анча миқдорда;</p> <p>б) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу жиноят:</p>	<p>алоҳида ҳолатда жиной жавобгарлик белгиланиши керак. Бунга сабаб, банк сири, шахсларнинг даҳлсизилиги ва уларнинг маълумоларнинг ошкор этмаслиги билан боғлик хуқуқлари бузилиши мумкин.</p>
-----------------------------	--	---

	<p>а) кўп миқдорда;</p> <p>б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;</p> <p>в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда саккиз йилдан ўн йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ушбу жиноят:</p> <p>а) жуда кўп миқдорда;</p> <p>б) ўта хавфли рецидивист томонидан;</p>	
--	---	--

	<p>в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —</p> <p>базавий хисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	
--	---	--

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” номли  
XX<sup>1</sup>-бобига кирувчи 7 турдаги жиноят ҳамда киберфирибгарлик жинояти ўртасидаги ўзаро фарқлар ҳақидаги  
СОЛИШТИРМА ЖАДВАЛ**

Жиноят обьекти	Объектив томони	Жиноят субъекти	Субъектив томони
<b>Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш ЖК 278<sup>1</sup>-модда</b>			
Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жинояти- нинг асосий бевосита обьекти компьютер хавф- сизлигини (компьютер ах- боротининг дахлсизлиги- ни), шунингдек, маълумот- ларни қайта ишлиш автоматлаштирилган ти- зимларидан фойдаланиш тартибини таъминлашга доир ижтимоий муносабат- лардир. <b>Қўшимча бевоси- та обьект</b> сифатида бу ерда	Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш <b>объектив томондан</b> белгиланган химоя чораларини кўрмаган холда ахборот тизимлари, маълу-мотлар бахалари ва банк-ларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойда-ланиш ҳамда ахборот тизимларидан руксат билан фойда-ланиш натижасида фуқаро-ларнинг	16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ЖК 278 <sup>1</sup> -моддаси назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин. Қонун бу шахс компьютер технология-лари соҳасида мутахассис бўлиши ёки муайян фаолият билан шуғулланишини талаб қилмайди, муҳими унинг ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланаётганлиги талаб этилади.	ЖК 278 <sup>1</sup> -моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг <b>субъектив томони</b> куйидагилар билан ифодаланади: - қасдан, башарти шахс ахборотлаштириш қоидаларини бузаётганини англа- ган, бунинг натижасида фойдала-нувчига анча микдорда зарар етказилиши мумкинлиги ёки муораккаблигига кўзи етган, бу оқибатларнинг юз беришини

<p>фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатларини ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларини қўриқлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар амал қила-ди.</p>	<p>хукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида акс этади.</p>		<p>истаган (тўғри қасд) ёки уларнинг юз беришига онгли равища йўл қўйган (эгри қасд) бўлса;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- эҳтиётсизлик орқасидан, башарти шахс ахбортлаштириш қоидаларини бузаётганлигини англайди, ўз хулқатвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етган, лекин эҳтиёткорлик чоратадбирларига онгли равища риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равища умид қилган (ўз-ўзига ишониш) ёки ўз хулқатвори қонунда назарда</li> </ul>
---	--	--	--

			<p>тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мүмкінлигінде күзи етмаса-да, лекин күзи етиши лозим ва мүмкін бўлган (жиноий бепарвоник) бўлса;</p> <p>- мураккабайб билан, башарти жиноий қилмиш, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузишга нисбатан қасд, қонун-да назарда туттилган кўнгилсиз оқибатларга нисбатан эса, эҳтиётсизлик мавжуд бўлса.</p> <p>Мотив ва мақсад кўриб чиқилаётган жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.</p>
--	--	--	---

<b>Компьютер ахбортидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш (ЖК 278<sup>2</sup>-модда)</b>				
Компьютер ахбортидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланишнинг <b>бевосита объекти</b> компьютер ахбортини хавфсизлигини ва ЭҲМ, уларнинг тизимлари ёки тармоғи нормал ишлашини таъминлашга доир муносабатлардир. <b>Қўшимча объект</b> сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.	ЖК 278 <sup>2</sup> -моддасида назарда тутилган жиноятнинг <b>объектив томони</b> ахбортнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаширилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган компьютер ахбортидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш билан тавсифланади.	16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ЖК 278 <sup>2</sup> -моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Бу бутунлай бегона шахс бўлиши ҳам, муайян тоифадаги ахборт билан ишлаш ҳукуқига эга бўлмаган қонуний фойдаланувчиларнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин.	ЖК 278 <sup>2</sup> -моддасида назарда тутилган жиноят <b>субъектив томондан</b> қасдан, яъни тўғри ёки эгри қасд билан содир этилади. Айбдор компьютер ахбортидан бу ахборт мулқдори (эгаси)нинг рухсатсиз ёки рухсат билан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ни бузиб фойдала-наётганини англайди, ўз ҳара-катлари натижасида қонунда белгилangan ижтмиоий хавфли оқибатлар юз беришига онгли равища йўл қўяди. Эҳтиёtsизлик айни ҳолда шахс компьютер тизимида сақланаётган ахбортдан фойда-	

			<p>ланишнинг қонунийлигига берган баҳосида, шунингдек, унинг мазкур ҳаракатлар натижасида юз берган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган муносабатидан намоён бўлиши мумкин.</p> <p>Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (руҳсат-сиз) фойдаланишнинг мотив-лари ва мақсадлари кўриб чиқилаётган жиноят таркиби-нинг муқаррар белгилари хисобланмайди ва, бинобарин, жиноятни квалификация қилиш-га тасир кўрсатмайди, лекин айборрга одилона жазо тайин-лаш чоғида ҳисобга олиниши мумкин.</p>
--	--	--	---

**Компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун воситаларни ўтказиш  
мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (ЖК 278<sup>3</sup>-моддаси)**

<p>Мазкур жиноятнинг <b>бевосита объекти</b> компьютер ахборотининг хавфсизлигини ва ЭХМ, ЭХМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир.</p> <p><b>Қўшимча объект</b> сифатида бу ерда фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатлари ёхуд давлат ёки жамоат манфаатлари амал қилиши мумкин.</p>	<p>ЖК 278<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг <b>объектив томони</b> ҳимояланган компьютер тизимидан қо-нунга хилоф равища (рух-сатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёки ўтказиш ва тарқатишда акс этади.</p>	<p>16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.</p>	<p>ЖК 278<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят <b>субъектив томондан</b> фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзи маҳсус воситаларни компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун уларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаёт-ганини англайди ёки мазкур воситаларни ўтказаёт-гани ёки тарқатаётганлигини англайди ва шундай қилишни истайди. Ҳимояланган компьютер тизи-мидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурий</p>
--	---	--	---

			ёки аппарат воситалари тайёрланганда мақсад – кўрсатилган дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш ҳам аниқланиши лозим.
--	--	--	---

#### Компьютер ахборотини модификациялаштириш (ЖК 278<sup>4</sup>-моддаси)

Компьютер ахборотини модификациялаштиришнинг асосий бевосита объекти	Жиноятнинг <b>объектив томони</b> фуқароларнинг хуқуқ-ларига ёки қонун билан қўриқланадиган хавфсизлигини ва ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоқлари нормал ишлашини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлардир.	Жиноятнинг <b>объектив томони</b> фуқароларнинг хуқуқ-ларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равища ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни	16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.	ЖК 278 <sup>4</sup> -моддасида назарда тутилган жиноят <b>субъектив томондан</b> қасддан (тўғри ёки эгри қасд билан), эҳтиётсизлик орқасида ёки мураккаб айбли жиноят тарзида содир этилиши мумкин. Қилмишнинг квалификация қилишда унинг мотиви ва мақсади иккинчи даражали аҳамият касб этади.
--	---	---	---	--

давлат ва жамоат манфатларини амалга оширишни кафолатловчи ижтимоий муносабатлар.	ўчириш, худди шунингдек, била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш-дан иборат.		
---	--	--	--

### Компьютер саботажи (ЖК 278<sup>5</sup>-моддаси)

Мазкур жиноятнинг <b>бевосита объектини</b> компьютер ахбороти ёки дастурларнинг, шунингдек, компьютер ускунасининг бутлигини таъминлашга доир ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ерда <b>қўшимча объект</b> сифатида фуқароларнинг шахсий ёки мулкий манфаатларини ёхуд давлат ва жамоат манфаатларини таъминловчи ижтимоий муно-	Компьютер саботажининг <b>объектив томони</b> ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини ишдан чиқариш, шунингдек, компьютер тизимини бузишдан иборат.	16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.	<b>Субъектив томондан</b> мазкур жиноят тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор компьютер ускунасини ишдан чиқариш ёхуд компьютер тизимини бузишга қаратилган ҳаракатларни бажараётганини англайди ва буни истайди.
--	--	---	---

сабатлар амал қилиши мүм-  
кин.

### **Нигерия хатига мисол:**

Мен доктор Бакаре Тундеман, нигериялик астронавт, ҳаво кучлари майори Абача Тунденинг амакиваччасиман. У 1979йилда Salyut 6 космик станциясига махфий парвозни амалга оширганида коинотдаги биринчи африкалик эди. У 1989йилда Совет Иттифоқининг Soyuz T-16Z махфий ҳарбий космик станциясига Salyut 8T космик станциясига парвоз қилган эди.

У 1990 йилда Совет Иттифоқи парчаланганида у ерда қолиб кетган эди. Унинг бошқа совет экипаж аъзолари Soyuz T-16Z да ерга қайтиб келишди, аммо унинг ўрнини қайтиб келган юк эгаллади. Ўша вақтдан бери уни қайтариш учун вақти-вақти билан Прогрез таъминот парвозлари амалга оширилди. У ҳазил-мутойиба, лекин уйга қайтишни хоҳлайди.

Станцияда бўлганидан бери 14 йил давомида у парвоз учун тўлов ва деярли 15 000 000 АҚШ доллари миқдоридаги фоизларни тўплади. Бу Лагос Миллий жамғарма ва ишонч ассоциациясида ишончли тарзда ўтказилади. Агар биз ушбу пулга кириш имкониятига эга бўлсак, уни Ерга қайтариш учун Soyuz нинг қайтиш парвози учун Россия Космик маъмуриятига дастлабки тўловни амалга оширишимиз мумкин. Менга айтишларича, бу 3 000 000 АҚШ доллари туради. Унинг ишончли жамғармасига кириш учун биз сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Бинобарин, мен ва ҳамкасларим умумий суммани сизнинг ҳисобингизга ёки кейинги тўловга ўтказишга тайёрмиз, чунки биз давлат хизматчилари сифатида Одоб-ахлоқ кодекси (Давлат хизмати тўғрисидаги қонунлар) томонидан ўз номимиздан чет эл ҳисобварақларини очиш ва/ёки юритиш тақиқланган.

Айтишга ҳожат йўқ, ҳозирги пайтда сизга билдирилган ишонч жуда катта. Бунинг эвазига биз сизга ўтказилган сумманинг 20 фоизини таклиф қилишга рози бўлдик, шу билан бирга 10 фоизи битим давомида томонлар

ўртасидаги тасодифий харажатлар (ички ва ташқи) учун ажратилади. Вақти келиб қолган 70 фоизни бошқа ҳисобларга ўтказиш мажбуриягини олади.

Илтимос, чора-тадбирларни тезлаштиринг, чунки биз ушбу молиявий чоракда дастлабки тўловни киритишимизга имкон беришимиз учун жадвалдан орқадамиз.

Илтимос, ушбу хабарни фақат менинг 234 (0) 9-234-2220 тўғридан-тўғри рақамим орқали қабул қилганингизни тасдиқланг.

Хурмат билан,

Доктор Бакаре Тунде Астронавтика лойихаси менежери<sup>193</sup>.

---

<sup>193</sup> <https://encyclopedia.kaspersky.ru/knowledge/nigerian-letters>